

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ҮРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



## ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

(Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 10  
йиллигига багишланб ўтказилган илмий – амалий  
анжуман материаллари  
Тошкент, 2001 йил 25 апрел)



CH8888814339

ТОШКЕНТ – 2002

## А Н Н О Т А Ц И Я

Ушбу манбашуносликнинг долзарб муаммоларига багишлиланган мақолалар тўплами ТДГУ ва ШИ томонидан «Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий - амалий анжумандада ўқилган маърузалардан иборат. У ҳозирги манбашунослик фани аҳволи ва турли масалаларига багишлиланган тадқиқотлар натижалари баёнидан иборат.

Шунингдек, «Манбашунослик ва тарих ўқитиши методикаси кафедраси» ёш педагоглар ва Шарқшунослик институтини илмий ходимларинингхборотлари ҳам олди.

### Таҳрир ҳайъати:

Б. Ф. Қодиров, М.М. Хайруллаев, Б.С. Маннонов, М. Тұхтахұжаева, А.И. Үринбоев, С.Р. Тұраев, Г.С. Фузаилова, О.Бүриев, А.А. Мадраимов.

### Тузувчилар:

Г.С. Фузаилова, А.А. Мадраимов.

### Тақризчилар:

Д.Юсупова, А.Ҳасанов.

23 ноябрь 2001 йилдаги Илмий Кенгап мажлисида  
нашрга тавсия этилган (Баённома рафами №8)

kutubxonasi

012 472 / 1

*ТДПУ ректори, техника фанлари  
доктори, профессор  
Б.Г.Қодиров*

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

1991 йил 31 августида Ўзбекистон Республикаси Мустақимлигининг эълон қилиниши халқимиз тарихидаги буюк воқеа бўлди. Унинг шарофати билан юртимиизда сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда катта ўзгаришларга йўл очилди. Ушбу Истиқдол самараасини бизнинг Низомий номидаги педагогика университети ўз тақдиррида бевосита ҳис қилди. Бизга университет номи ва мақоми берилиб, республикамиздаги ўрта маҳсус таълим тизими учун зарур ўқув дастури ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдек маъсулатли вазифа юклатилди.

Юртбошимизнинг тарихчи олимлар билан бўлган учрашувида янги ўқув қўлланмаларининг яратилиши, халқимиз тарихини одил ва холисона баён этиш масалалари алоҳида долзарб эканлиги таъкидланди.

Бугунги кунда ёш авлодга миллий истиқдол гоясини сингдириш, уларни халқимизнинг бой анъаналари руҳида тарбиялашдек долзарб масала педагог кадрлар олдида турибди.

Профессионал ва фидоий мутахассисларни тарбиялашда ўтмишдаги меросга, маънавий бойликларимизга мурожаат қилмай туриб бундай маъсулатли ишни бажариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз тарих факультетимизда маҳсус «манбашунослик» кафедрасини очдик. Араб

алифбосидаги ўзбек ёзуви, форс тилларини талабаларга ўргатишни йўлга қўйдик. Биз олиб борган тадбирлар университетимиз нуфузини янада ошиб боришига хизмат қилмоқда.

2001/2002 ўқув йили ўн олти мингдан зиёд абитуриентларнинг педагог бўлиш орзусида ариза билан мурожаат қилгани ана шундан далолат беради. Аммо биз барча муаммоларимизни ҳал қилдик, дея олмаймиз. Гарчи педагог олимларимиз «Манбашунослик» дан намунавий дастур, «Маърузалар мажмуаси»ни тузган бўлсаларда, бу соҳадаги талабга жавоб бера оладиган дарслик ҳозирча йўқ. Мана шуни амалга ошириш соҳасидаги илк қадам сифатида биз ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ижодий ҳамкорлик шартномасини туздик. Шунга биноан бизда илмий конференция бўлиб ўтди ва унда қатор мутахассислар, ёш олимлар, ва аспирантлар иштирок этдилар.

ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг юз мингдан сртиқ номдаги қадимги қўлёзма асарлар ва нодир тошбосма китоб фонди жаҳонга машҳур. Шунинг учун ҳам ушбу хазина ЮНЕСКО томонидан «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилган. Мазкур фонддаги қўлёзмалар феҳристи бугунги кунда ҳам япон тилларида чоп этилмоқда. Бу хазинадаги бой мерос ҳамда бу ердаги малакали олимларимиз билимлари ёш мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилиши айни муддаодир.

Ҳамкорликниң самараси сифатида эътиборингизга анжуманд үқилган маърузалар асосида «Тарихий манбашуносликниң» долзарб муаммолари» номли ушбу тўплам тайёрланди.

Улар асосан манбашунослик умумий ва алоҳида масалаларига багишланган. Гарчи турли илмий савияда ёзилган бўлсада, уларнинг ҳар бирида бирон масала ёки манба тўтрасида қимматли маълумотлар бор.

Мазкур тўпламни Г.С.Фузаилова ва А.А.Мадраимовлар тўплаб, нашрга тайёрладилар ва бу ишда уларга ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директор муовини Б.С.Маннонов, ТДПУ илмий ишлар бўйича проректор М.Тўхтахўжаева амалий ёрдам бердилар. Тўплам юртимиз тарихи, манбашунослик муаммолари, педагогика масалалари билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Тошкент давлат Педагогика Университети  
тарих фанлари номзоди,  
«Манбашунослик ва тарих ўқитиш мето-  
дикаси» кафедрасининг мудираси

Фузаилова Г.С.

*Талабаларга манбашуносликни ўргатиш  
масалалари.*

Бугунги манбашуносликнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири, тарихий манбаларни ўрганиш ва уларни тарих дарсларида ёшларга ўргатиш бўлиб, бунга тааллуқли масалаларга багишлиланган илмий-амалий анжуманини ўтказилиши биз учун ҳаётий заруратdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг халқимиз тарихига, ўтмишдаги буюк сиймолар шахсияти ва юбилейларига катта аҳамият бериши, ҳамда маънавият масалалари ва миллий истиқлол гоясининг шаклланишига эътибори, халқимизга ўзлигини англатиш соҳасидаги фидокорона меҳнати биз - олий ўқув юрти профессор- ўқитувчиларига намуна бўлиб, зиммамизга улкан вазифалар юклайди.

Ҳозирги кунда бизнинг Низомий номли педагогика университети академик лицей ва қасб - ҳунар коллажлари учун юқори малакали мутахассис тайёрловчи етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади.

Бу борада Университетимизда ва шунингдек тарих факультетида кўплаб янги йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ишлар режалаштирилган.

Истиқлол шарофати туфайли тарих факультетимизда манбашуносликка алоҳида эътибор берилиб, 1998 йилдан бери ўқув дастури асосида

манбашунослик фанига 96 ўқув соати вақт ажратилиб, талабаларга маҳсус билим берилмоқда.

Проф. Ҳ.Н.Бобобеков ва доц. А.Мадраимовларнинг саъти ҳаракати туфайли илк қадамда ушбу фан бўйича ўқув дастури тузилиб, маъруза матнлари ёзилиб таълим жараёнига тадбиқ этилди. Замон талабига мос дарслик-қўлланмалар бўлмаганидан биринчи босқичда мавжуд илмий тадқиқотлар ва умумий характердаги маълумотномалар, хусусан, қомуслардаги билимлар билан кифояланиб қолинмоқда. Кейинги босқичда эса талабаларга тарихий асарлар, қўлёзма манбалар тўгрисида маълумот берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларни бой тарихий меросимиз намунаси бўлмиш ёзма манбалар билан таништириш, уларда халқимиз тарихига ва ёзма манбаларга қизиқишини орттириди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида «Манбашунослик ва тарих ўқитиши методикаси» кафедраси ташабbusи билан, археологик манбалар ҳам алоҳида ўргатилмоқда. Бу борада факультетимизда академик А.Асқаров фаoliyat кўrsатмоқда. Ўтган ўқув йилида талабаларимизнинг ўнтаси манбашунослик бўйича малакавий битирув ишларини муваффақиятли бажардилар. 2000–2001 ўқув йилида факультетимиз битирувчи курс талабалари орасида битирув ишини манбашунослик фанидан ёзишга қизиқувчилар сони кўпайди.

Кафедра ташабbusи билан жаҳонга машҳур қўлёзмалар мажмуасига эга Абу Райҳон Беруний номида Шарқшунослик Институти маъмурияти билан ижодий ҳамкорлик тўгрисида шартнома тузилди ва режалаштирилган тадбирлардан бири ўтқазилган илмий-амалий конференциядир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг бой тарихий меросимизни ўрганишга даъват қилувчи нутқ ва маърузаларида тарихчи олимлар олдида турган энг муҳим вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Хусусан, ўзбек халқининг тарихий ташкил топишини ҳаққоний ёритиб берувчи тадқиқотлар олиб борилиши, илмий манбалар асосида янги асарлар яратилиши ва миллый истиқлол гояларига мос дарслик ва қўлланмалар тузилиши каби масалаларга алоҳида ургу берилган. Шу муносабат билан бир қатор алломаларнинг таваллуд саналари ва илмий-ижодий фаолиятини халқаро миқёсда кенг нишонлаш хусусида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Кўпчилигимиз ана шундай буюк алломаларнинг яшаган даври, ҳаёти, бой илмий-ижодий мероси ва уларнинг жаҳон цивилизациясиغا қўшган ҳиссаларини акс эттирган ёрқин анжуманларнинг юқори савияда бўлиб ўтганлигидан хабардормиз.

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишини қамраб олувчи бой меросни ўқиб ўрганишни ўзига хос муаммолари бор. Маълумки, ўзбек халқининг тарихига оид асарлар араб ёзувида, аксарияти форс тилида бизгача етиб келган. Шу туфайли уларни ўқиб ўрганиш, талабалар у ёқда турсин, хатто тарихчи ўқитувчиларга мушқуллик тугдиради.

Педагогика университети тарих факультети ўқув режасига талабалар учун манбашунослик фан сифатида киритилди. Манбашунослик фани учун ажратилган соат ва дастур асосида талабаларга етарли маълумот берадиган етук мутахассислар бор. Аммо талабаларнинг билим савияси маъруза орқали берилган илм даражасида қолиб кетмаслиги, уларнинг ўзлари бу фан юзасидан бўлган билимларни, маълумотларини муттасил бойитиб

боришилари учун ихтисосликка оид адабиётларни ўқий олиш малакасига эга бўлишлари лозим. Сабаби, ҳозирги тилимизга ўтирилган манбалар жуда оз, борларини ҳам кутубхоналардан топиб бўлмайди.

Талабаларни ўзбек давлатчилиги тарихига оид манбалар билан таништириш борасида энг түгри ва унумли восита ўқув режасидаги эски ўзбек ёзуви ва форс тили фанларидан самарали фойдаланиш лозим. Манбашунослик билан шугулланишни истаган иқтидорли талабаларга мазкур фанлардан қўшимча машгулотлар ўтказиш кифоя қиласди. Бу ишларни ташкил этишда тегишли кафедраларнинг яқиндан ёрдами олдимизда турган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишни бир мунча енгиллаштиради.

Бугунги анжуманда, асосан, Ўз ФА Шарқшунослик институтининг салоҳиятли илмий ходимларининг маъruzalari режалаштирилган, ўйлаймизки бу сермазмун маъruzalар барчамизда яхши таассурот қолдиради ва факультетимиз профессор ўқитувчилари, магистрлари, иқтидорли талабаларимизни янги манбалар устида иш олиб боришга чорлади.

Бизнинг олдимиздаги асосий масала ёки мақсадимиз нимадан иборат бўлиши керак. Бу бизнингча:

1. Талабаларимизга ватанимиз тарихига оид жуда кўп ва қимматли ёзма манбалар - қўлёзма ва тошбосма китоблар жаҳоннинг энг нуфузли музей, архив ва кутубхоналарида мавжудлигини англашиб;

2. IX-XX аср биринчи чорагигача (1929 й) ватанимиз тарихига оид манбалар араб, форсий ва туркий тилларда ватандошларимиз ва чет эллик олимлар томонидан яратилганлиги тўгрисида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш;

3. IX-XX аср ёзма манбалари хусусиятлари - ёзуви, қозози, ички ва ташқи безаклари тұғрисида атрофлича түшунча бериш;

4. Ёзма манбаларни қидириб топиш, тавсифлаш, таснифлаш ва тадқиқотларга жалб қилиш тұғрисида малака ҳосил қилиш;

5. Ёзма манбалар ёрдамида талабаларда ватанга муҳаббат, унинг бой тарихи билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш, улардан миллий мағкура, халқимиз ўзлигини англаш ва тарихимизнинг ёритилмаган, яхши ўрганилмаган соҳаларини холисона ва объектив ёритишга эришишдан иборатдир.

#### МАЗКУР МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН:

IX-XX аср ёзма ва тошбосма манбаларининг хусусиятлари, материали, ёзув турлари, қуроллари, атама - түшунчалар, манбани яратиш жараёни, етакчи хаттот, музахъиб, рассом, саҳроф, вассоллар тұғрисида маълумот бериш, уларнинг намуналари билан, имкон бўлса, талабанинг маърузада олган билимини лабаратория машгулоти сифатида Ўз РФА Шарқшунослик институтида, маҳсус хонада машгулот билан мустаҳкамлашдан иборат. Биринчи тавсиф - карточкаларга олиш, рақамлаш, рақам дафтариға киритиш, варақларни рақамлаш, энг асосий маълумотлар асар тили, муаллифи, номи, яратилган даври, күчирилган вақти ва жойи, варақлар сони, зийнати бўлиши керак.

1. Ёзма манбаларни каталогга олиш, манбанинг ички ва ташқи маълумотлари, фиҳристлар турлари, асосий ёзма манбалар сақланаёттан жойлар-музей, кутубхона, архив, жаҳоннинг иирик шаҳарлари ва уларда мавжуд шарқ құлөзма фондлари, хусусан

Тошкентдаги ЎзРФА ШИ, собиқ құлөзмалар институти фонди, Давлат архиви, Навоий номидаги Давлат кутубхонаси, Диний назорат кутубхонаси, бошқа музей, ташкилот ва шахсий мажмуалардаги манбалар, Санкт-Петербургдаги Давлат кутубхонаси, РФ ШИ Санкт-Петербург бўлими ва Санкт-Петербург университети кутубхоналаридағи Шарқ құлөзмалари. Боку, Ереван, Тбилиси, Қозон, Душанбе ва бошқа шаҳардаги Шарқ құлөзма фондлари;

Шунингдек, Британия музейи, Бодли кутубхонаси, Индия оффис, Виндзор сарой кутубхонаси, Париждаги Франция миллий кутубхонаси, Берлиндаги Давлат музейи, АҚШдаги Метрополитен(Нью Йорк), Хиндистоннинг Деҳли Миллий музейи, Патнадаги Худобахш, Ҳайдарободдаги Саларжанг музейи, Эроннинг Теҳрон ва Машҳад шаҳарларидағи кутубхоналар, Туркияning Истанбул шаҳридаги Тўпқопи музейи мажмуасига кирувчи кутубхоналарда ватанимиз тарихига оид ёзма манбалар сақланмоқда. Уларни мукаммал ўрганиш яқин келажақдаги вазифа, лекин биринчи галда биз чоп этилган ва ЎзРФА ШИ хазинасидаги обидалар асосида манбашунослик ишини амалга ошириш имконига эгамиз.

3. Мавжуд манбаларнинг нашрларини, илмий таҳлилини амалга ошириш. Қайд этиш зарурки, энг муҳим ва зарур ёзма манбалар шарқшунослар томонидан чоп этилиб, зарур илмий шарҳдар билан замонавий тилларга, хусусан, инглиз, француз, немис ва рус тилларига таржима қилингандай бўлса-да, уларнинг кам нусхада ва авваллари чоп этилганини назарда тутсак, улардан амалда фойдаланишида жуда катта қийинчилик мавжуд. Лекин бизнинг умидимиз, ўқиш жараёнини компьютерлаштириш, яъни

кутубхонамизни интернет тармогига уланиши, унгача, мавжуд рус тилида чоп этилган китоблар асосида лаборатория ва мустақил машгулотларни ўтказиш мумкин. Ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп қилинган манбалар афсуски жуда кам. Лекин боридан унумли фойдаланиш керак.

4. Мавжуд дарсликларда манбаларни ёритиш аҳволи қай даражада? Мустақилликдан аввал жумҳуриятимизда ватанимиз тарихига оид фундаментал асарлар ёзилган бўлса-да, уларда маҳсус манбаларга алоҳида эътибор берилмаган. Сўнгти йилларда яратилган Олий ўқув юртига мўлжалланган дарсликларни «Ватан тарихи» ва мактаблар учун ёзилган дарсликларда ҳам манбалардан фойдаланилса-да, улар тўгрисида ихчам, энг зарур маълумот жуда кам. Академик Б.А.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ҳалқлари тарихи манбалари» (Т., 1991 йил) ҳозирги бу соҳадаги ўзбек тилидаги ягона қўлланма бўлиб, ундаги олти бобнинг иккинчи бобдан ташқари бештаси ўз қийматини йўқотмаган. Т.Сайдқуловнинг «Ўрта Осиё тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (Т., 1993) китоби қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, манбашунослик фанини талабаларга ўргатища ўн тўрт жилдлик «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари мажмуаси, тарих», нашри(Т.,1998) мавжуд.

5. Умуман, ҳозиргача чоп қилинган каталог-феҳристлар, чоп қилинган ёзма манбалар, улар тўгрисидаги тадқиқотлар кафедрамиз аъзолари ва ЎзР ФА ШИ илмий ходимлари, олимлари билан биргаликда, ҳамкорликда Университетимиз ва бошқа

Олий ўқув юртлари учун манбашунослиқдан дастур ва дарслик ёзишни долзарб муаммо сифатида кун тартибига құяды. Бу йұлдаги илк қадам сифатида ушбу анжуман маъruzаларини талабаларимиз фойдаланиши учун тезроқ чол этиш мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, биз бакалаврларимизнинг малакавий битируг ишларида магистрларимиз тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилишда Ўз РFA ШИ олимларини фаол иштирок этишлари тарафдоримиз.

6. Құлёзма китобларидағи ёзув үзига хос хусусиятларга әга, шунинг учун Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат ШИ, Ислом университети каби бизда ҳам талабаларга бакалавиатура даврида кенг тарқалған араб ёзувининг санъат сифатидаги турлари-хаттотлиги құлёзма нусхасининг маҳсус дарс сифатида киритилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун факультет ўқув режасидаги эски ўзбек ёзуви машгулотларида ва дарсларида тарихга оид манба матнлардан фойдаланиши, таълим жараёнида яъни аниқ тарихий манбалар таржимаси ва таҳлилига алоҳида эътибор бериши лозим. Бугунги анжуманда асосан маъruzалар Шарқшунослик институтининг салоҳияти етакчи илмий ходимлари чиқишилар қилиши режалаштирилган. Ўйлаймизки, бугун маъruzалардан сўнг янги манбалар устида иш олиб борища бизнинг факультетимиз профессор, ўқитувчиларини магистрлари иқтидорли талабаларимизни ҳам жалб қиласылар деган умиддамиз. Мақсадимиз ёшларни манбаларнинг асл нусхаси асосида ўзлаштирган билимларни ривожлантириш ва ҳамда ҳозирги кун талабига жавоб берадиган мутажассислар қилиб тайёрлаштыр.

Ўқув режасида қайд этилган 96 соатлик дастурнинг, 36 соатлик маъруза қисмида қайси тарих манбалари хусусида ҳамда амалиёт (20) ва лабаратория (16) машғулотларида қайси тарихий манбаларни мустақил ўрганилиши лозимлиги ҳақида умуман бир фикрга келишиб олишимиз керак. Бу назарий ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон тарихига оид ноёб асарларни ўзбек тилига таржима қилган ва уларни нашр этишда фаолият кўрсатган атоқли манбашунос олимларнинг ҳаёти ва илмий ижодий ишлари билан талабаларни таништириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий анжуманда жумҳуриятдаги етакчи манбашунос олимлар тажрибаси, илмий тадқиқотлар натижаси билан танишиб, келгусида амалга ошириладиган энг муҳим ва долзарб масалалар хусусида бир фикрга келиб олишимиз, мақсадга мувофиқдир.

т.ф.д. Ўз ФА Шарқшунослик  
институтининг етакчи илмий ходими  
А. Ўринбоев

Ўз ФА Шарқшунослик институти  
хазинаси Шарқ ҳалқлари ёзма меросини  
тавсифлаш.

Мазкур қўлёзмалар хазинасида 40 минг  
қўлёзма ва 30 минг тош босма асрлар, ўн мингдан  
ортиқ ҳужжатлар сақланади, улар араб, форс, туркий  
ва бошқа Шарқ тилларида ёзилган.

1998 иили Шарқшунослик институти фондига  
Х.Сулаймонов номли қўлёзмалар институти китоб  
хазинаси ҳам қўшилди ва улар «Ҳамид Сулаймонов»  
фонди номи билан алоҳида сақланади.

Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар  
жамгармаси Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ  
ҳалқларининг минг йилдан зиёд даврдаги тарихи,  
адабиёти, ижтимоий фикри, илм-фани ва  
маданиятини ўрганиш учун бой фактик материаллар  
беради.

Шу асосда қўлёзмаларни илмий ўрганиш,  
уларни тавсифлаш йўлга қўйилди ва катологлар  
(фихрист) тузишга киришилди. Узоқ йиллар давомида  
тузилган «Собрание восточных рукописей АН  
УзССР» (Ўз ССР Фанлар Академияси Шарқ  
қўлёзмалар тўплами, бундан кейин кенг тарқалган  
русча СВР абревиатураси билан атаймиз) номли кўп  
жилди фиҳрист кенг илмий жамоатчиликни шу  
жамгарманинг ранг – баранг таркиби билан  
таништиради. СВРнинг биринчи жилди 1952 йилда  
дунё юзини кўрган бўлса, ўн биринчи жилди 1987

йилда нашр этилди ва уларга 7574 қўлёзма тавсифланган.

1940 йилларнинг ўрталаридан бошлаб мазкур фиҳристни тузиш ишида маҳаллий олимлардан ташқари В.И.Беляев, Е.К.Бётгер, А.Н.Кононов, Н.Д.Миклухо-Маклай, А.А.Семёнов, О.Р. Чехович, А.Э.Шмидт каби рус, асосан Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида келган олимлар фаол иштирок эта бошладилар. Қўлёзмаларни дастлабки ишлаш, карточкалари фиҳристлар тузиш иши Ибодулла Одилов, Абдуфаттоҳ Расулов, Содиқ Мирзаев, Абдулқодир Муродов ва бошқа маҳаллий, шарқ тиллари ва маданиятини тарихини яхши билувчи кадрлар томобидан амалга ошириларди. Юқорида келтирилган номлар рўйхатидан кўриниб турганидек, қўлёзмаларни тавсифлаш ва тадқиқ этишда шарқ филологиясининг учта асосий йўналишлари бўйича мутахассислар, яъни араб, эрон ва туркшунослар ишлашган. Улар ўша пайтда ишлаб чиқсан принципларга кўра, илмий тавсифлар қўлёзмалар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олмоғи лозим эди:

1. Асарнинг номи (унинг русча таржимаси билан).
2. Муаллиф исми ва имкон қадар, унинг илмий аҳамиятига баҳо.
3. Асарнинг қисқача мазмуни ва унинг илмий аҳамиятига баҳо.
4. Қўлёзманинг формал тавсифи, яъни у ҳақидаги палеографик маълумотлар (қоғоз, хат, сиёҳ ва ҳ.к) безатилиш хусусиятлари, кўчирилиш санаси, ҳаттотнинг номи, қусурлари, варақлар сони, ўлчамлари.

5. Библиографик маълумотлар (бошқа катологлар, асарнинг нашрлари, библиографик қўлланмаларда эслатилишига ишоралари ва ҳаказо).

Мисол тариқасида фиҳристнинг нашр этилган охирги 2 жилдига кенгроқ шарҳ бериб ўтамиз. Бу жилдларга қарийиб 35000 та асар қўллэзмаларининг илмий тавсифлари ва уларнинг қўшимча нусхаларини ҳам ҳисобга олганда, ҳаммаси бўлиб 75000 тавсиф жой олган.

СВРнинг бу 2 жилдига кирган қўллэзмалар мавзу жиҳатдан тахминан қўйидагида тақсимланади.

1. Умумий тарих, алоҳида мамлакат ва вилоятлар Ўрта Осиё, Хиндишон, Эрон, Туркия ва бошқалар тарихидан иборат тарихий асарлар – 540 та.
  2. Ёдномалар ва сайёҳатномалар, биография ва ёзишмалар – 170 та.
  3. Филология фанлари (грамматика, лексикография (лугатшунослик), стилистика ва ҳакозолар) – 270 та.
  4. Табиий фанлар (астрономия, математика, физика, химия, ботаника, зоология, минерология ва бошқа) – 250 та.
  5. Тиббиёт – 410.
  6. География ва космография – 140.
  7. Санъат (мусиқа, хаттотлик, ҳунармандчиликлар, спорт ва бошқа) – 50.
  8. Бадиий адабиёт.
- А) назм – 19000

012472/1

- Б) наср – 305  
В) огзаки ижод – 150.  
9. Фалсафа – 290.  
10. Тасаввуф – 960.  
11. Дин тарихи (Қуръон, ҳадис, фиқх, калом) – 1300  
12. Қомуслар – 26.  
13. «Сирли фанлар» (фолнома, таъбирнома, физиогномика) – 60.  
Рўйҳатдан кўриниб турганидек, бадий адабиёт, асосан, назмга оид қўлёзмалар сон жиҳатдан биринчи ўринни эгаллайди, ундан кейинги ўринларда ислом тарихи, тасаввуф, тарих ва ҳаказо фанлар туради.

Умумий олганда фиҳрист туфайли мутахассисларга бизнинг хазинада бадий адабиётга оид Фирдавсий, Низомий, Навоий, Лутфий, Дурбек, Саъдий, Хофиз Шерозий, Умар Хайём, Фузулий, Хусрав, Деҳлавий, Маҳтумқули, Муқимий, Фурқат ва бошқа кўплаб йирик назм соҳиблари асарларининг ажойиб қўлёзмалари сақланаётганлиги маълум бўлди. Улар орасида дастхатлар, муаллифлар ҳаёт чогида ёки машҳур ҳаттотлар (Султон Али Машҳадий, Мир Али котиб ва бошқалар) қўли билан кўчирилган қўлёзмалар бор.

Фалсафага оид асарлар қўлёзмаларидан шартли равишда «Донишманлар рисолалари» (Расоил ал - ҳукамо) деб аталган тўпламни зикр этиш кифоя. Унда қадимги давр ва ўрта

асрларнинг иирик файласуфлари, жумладан, Абу Наср Фаробий ва Ибн Синоларнинг ўнлаб рисолалари жамланган. Ибн Сино асарлари қўлёзмаларининг сони 50 тага ўтиб, уларнинг ярми фалсафанинг турли масалаларига багишланган. Ибн Сино ва Берунийнинг фалсафий ёзишмаларидан иборат қўлёзма ҳам ниҳоятда қимматлидир.

«Фалакиёт ва риёзиёт» бўлимида Берунийнинг дарий тилидаги «Китоб ат-тафҳим» асарининг энг қадимги нусхаларидан бири, шунингдек, Мирзо Улугбекнинг устозлари ва ҳамкорларидан бири бўлмиш Қозизода Румий тарафидан Чагминийнинг «ал – Мулаҳҳас фи-л-ҳайъа» асарига ёзилган шарҳ келтирилган. Хазинамизда Улугбекнинг машҳур «Зижи жадиди Кўрагоний» астрономик жадвали, унинг шогирди Али Қушчи қаламига мансуб асарлар ва бошқа таниқли олимларнинг асарлари сақланмоқда.

Фондимиздаги Кимё фанига доир рисолалар орасида Абу Бакр Розийнинг Шарқда кимё фанининг ривожига катта таъсир кўрсатган «Сирлар китоби» ва «Сирлар сири китоби» асарларини қайд этиб ўтиш лозим.

Тиббиёттага оид қўлёзмалар ҳам анча кўпки, бу ўрта асрлар Шарқида, хусусан, Ўрта Осиёда ушбу илм тармогининг кенг тарқадорлигидан далолат беради. Мисол учун, фондимизда Ибн Синонинг «ал

Қонун» асарининг учта нусхаси мавжуд. Тиббиётга оид асарлардан яна Исмоил Журжонийнинг форс тилидаги ҳажмдор «Захирайи Хоразмшоҳий», Абулгозихоннинг «Манофиъ ал-инсон» асарларини кўрсатиш жоиз. «Муншаот» («Ёзишмалар») бўлимидағи 15 асрға таалуқли бўлган ва Алишер Навоийга замондош 16 нафар муаллифнинг 594 та хатлари, шу жумладан, унинг дўсти Абдураҳмон Жомийнинг мактубларидан ташкил топган машҳур «Дастхатлар альбоми»нинг тавсифи берилган.

СВРда тарих бўлими Марказий Осиё, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихининг ислом тарқалгандан кейинги даврини ёритувчи асарлар қўлёзмаларини тақдим этади. Улар орасида биз Абу Бакр Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» асарларини, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа ўнлаб муаллифлар яратган қимматли асарларнинг нусхаларини топамиз.

СВРнинг мазкур 2 жилдан ташқари, Шара маданиятигининг айрим буюк намоёндалари (Ибн Сино, Жомий, Навоий, Фаробий ва бошқа) асарларининг қўлёзмаларига багишлиланган фиҳристлар ҳам чоп этилган.

Қўлёзмаларнинг фиҳристларини тайёрлаш билан бир қаторда, Институтда ширқ тилларидағи

ұужжатлар ва тошбосма китобларни  
катологлаштириш борасида ҳам маълум  
ишлар қилинган.

Кейинги йилларда фан соҳалари  
бўйича каталоглар тузишга киришилди.  
Ҳозирда шу аснода тарих, табиий  
фанлар, медицина ва Шарқ  
миниатюралари фиҳристлари рус тилида  
тайёрланиб чоп этилди.

ЎзР ФА ШИ.  
Б.С.Маннонов.

*Дипломатия тарихига оид манбалар ва  
уларнинг тарих фанини ўқитишиддаги  
аҳамияти.*

Маълумки, ўзбек ҳалқининг тарихи жуда қадим замонлардан бошланади. Туркистон сарҳадларида давж уриб оқаётган икки буюк дарё - Амударё ва Сирдарё ҳавзасида Хитойдаги Хуанхэ ва Янцзи, Ҳиндистондаги Ҳинд ва Ганга, Ироқдаги Фурот ва Дажла, Мисрдаги Нил хавзаларида қад кўтарган буюк цивилизация билан бир вақтнинг ўзида суторма ўтроқ деҳқончиликка асосланган маданий ҳаёт куртаклари барг ёзган, унинг замерида бундан неча минг йиллар аввал қадимги илк давлатлар бунёд этилган. Бу ҳақда бизгача етиб келган ёзма манбаларда қўйидагиларни ўқиймиз: «Хоразмликлар..., - деб ёзади Абу Райхон Беруний ўзининг минг йил олдин битилган «Осорул боқия» китобида, - Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди». Демак, бу вақтда яъни эрадан қарийб 1300 йил илгари, бундай қараганда, 3300 йил илгари Хоразм заминида қадимий давлатчилигимизга асос солинган экан. Бунга ҳеч қандай шак - шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки Беруний бу ерда қадимги ҳалқларда урф бўлган тақвим - календарлар ҳақида маълумот беради. Тақвим - календар эса фақаттина юксак цивилизация бор ерда, муайян тартиб - интизом ва қонун - қоидага асосланган давлатчилик атрибулари қарор топган жойда вужудга келиши мумкин. Беруний бу қадимги давлатларнинг қандай

ҳалқларга тааллуқли бүлганилиги ҳақида ҳам ажойиб фикр - мулоҳазаларни баён этиб кеттган. «Шу вақтда, - деб ёзади у, - Кайхусрав Хоразмга күчиб, Турк подшоҳлари устидан ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан 92 йил кейин бўлди». Бу воқеа Беруний ҳисобича тахминий, эрадан 1200 йил муқаддам рўй берган. Бундан 2500 йил илгари, Наршаҳийнинг таърифи бўйича, туркий қавмлар Бухоро шаҳрига асос солган эдилар. Берунийнинг таъкидлашича, бу воқеадан анча илгари Хоразмда туркий шоҳлар ҳукмронлиги қарор топган.

Бундан 2700 йил муқаддам шу заминда Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» битилган. Подшоҳлик қилиш, шаҳар барпо этиш ва китоб битиш учун давлат муайян сиёсий тизим мавжуд бўлмоги лозим. Акс ҳолда буларнинг бирортаси ҳам вужудга келмайди. Ўз - ўзидан маълумки ана шу қадимги давлатлар ўз атрофларида жойлашган ҳалқлар, яқин ва узоқ юртлар, давлатлар билан доимий узвий мулоқотда бўлиб келганлар, улар билан савдо - сотиқ юритганлар, турли муаммоларни ҳал этишга қаратилган дипломатик алоқалар олиб борганлар. Аммо ана шу ташқи алоқалар ҳақида маълумотлар ва маҳаллий ёзма манбалар бизгача этиб келмаган. Бунинг сабаби шундаки, араблар Туркистонни забт этар эканлар бу ерда илгари мавжуд бўлган барча ёзма ёдгорликларни йўқ қилиб юборган эдилар. Масалан, юқорида эслатилган асарида Абу Райҳон Беруний Қутайба Ибн Муслим бошчилигидағи истеълочиларнинг Хоразмни забт этгач, бу ердаги ёзма ёдгорликларга нисбатан юргизган сиёсати ҳақида шундай ёзган: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўргангандан ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб

юборган эди. Щунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, хақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».

Аммо кейинги бир минг икки юз йиллик тарихимиз ҳақида шу қадар кўп ёзма манбалар яратилдики, жаҳондаги кўпгиҳа минтақалар бунга ҳавас билан қарашлари мумкин. Бу ёзма асарлар аввал араб тилида сўнгра форс ва туркий тилларда битилган. Маълумки, Туркистон сарҳадларида араб истилоси натижасида Ислом эътиқоди қарор топди. Айни вақтда бу минтақадаги ҳалқлар устидан Араб халифалиги хукмронлиги ўрнатилди.

Ана шу кейинги минг йилдан ортиқ давр ичида сарзаминимизда рўй берган тарихий воқеалар аждодларимиз томонидан яратилган ва асрлар оша бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг зар варақларида муҳрлаб қўйилган. Араб, форс ва туркий тилларда арабий имло билан битилган бу маънавий бойликнинг асосий қисми Ўз Фанинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида жамланган. Бу ерда тўпланган қўлёзма асарлар ичида ўз вақтида Хиротда Ҳусайн Байқаро ва Алишер Навоий кутубхоналарида ўрин олган мўътабар қўлёзмалардан тортиб, Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида жамланган ёзма ёдгорликларгача бор. Уларнинг айримларини ўз вақтида ал-Бухорий, Замахшарий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Улугбек ва Алишер Навоий каби даҳоларимиз, Маҳмуд Газнавий, Исмоил Сомоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур каби буюк саркарда ва давлат арбобларимиз варақлаб кўрган бўлсалар ажаб эмас. Ҳозирги вақтда бу ерадаги қўлёзма асарларнинг умумий сони 70 мингдан ошади.

Ўзбек дипломатияси тарихига оид бу ердаги манбаларнинг қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ манбаларига умумий тарзда ёзилган тарихий асарлар киради. Бу хилдаги қўллэзмаларда тарихий воқеаларни баёнида жуда кўп вақтларда элчилик борди - келдилари, улар орқали амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва маданий тадбирлар юзасидан аниқ маълумотлар келтириб ўтилади.

Масалан, 839 йилда Омул (Табаристон) шаҳрида таваллуд топган Муҳаммад бин Жарир ат - Табарийнинг «Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи» деб аталган асарини олайлик. Араб тилида битилган бу тарихий китоб умуман ўрта асрлар ҳаётига багишлиланган гоят муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда Ўрта Шарқнинг, жумладан, Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлардаги ўтмиши ўз аксини топган. Бу китоб юртимиизда ислом динининг тарқатилиши ва унинг қарор топиши, шу мақсадда араблар томонидан амалга оширилган истило жараёни ҳақида ҳикоя қиласи. Айни вақтда ана шу тарихий асарда бу ердаги маҳаллий ҳукмронлар, улар билан араблар ўртасида олиб борилган дипломатик музокаралар, элчилик алоқалари, умумий хавф олдида ўзаро бирлашиб ҳаракат қилишга қаратилган дипломатик борди-келдилар тўгрисида ҳам жуда қизиқ ва ҳозиргacha ўрганилмаган, воқе~~ли~~клар баёнига дуч келамиз. Ё~~шки~~, XI асрда битилган Маҳмуд Қошгарийнинг жаҳонга машҳур «Девони луготит - турк» асарига назар ташлайлик. Тўгри, бу асар асосан туркий тилларни ўрганиш, унинг қиёсий грамматикасини яратиш йўлидаги буюк бир босқичдир.

Ажоддларимиздан бизгача етиб келган дипломатия тарихига оид иккинчи гуруҳ манбалар -

бу хукмдорларга насиҳат тарзида турли даврларда битилган асарлардир. Қадимги шарқ давлатчилигидә бу жанрга ҳамиша катта эътибор беріб келинган. Бундай асарларнинг дастлабкилари ҳинд диёрида яратилган «Калила ва Димна» дир. Шубҳа йўқки, ана шу тарздаги битиклар қадимги Туркистон сарзаминида ҳам мавжуд бўлган. Аммо юқорида эслатилган сабабларга кўра, улар бизгача етиб келмаган. Жаҳоннинг каттагина қисмини ислом байробги остида уюштирилган юришлар натижасида қўлга киритилган мамлакатларни бошқариш масаласи араб фотиҳлари олдига давлатчилик муаммоларига қаттиқ эътибор бериш лозимлигини кўндаланг қўйди. Бунинг натижаси ўлароқ араб халифалигида давлатни идора қилиш услубларини ўзида акс эттирган қатор «насиҳатнома» лар вужудга келди. Бундай «панднома» лар дастлаб, араб тилида, сўнгра форс ва туркий тилларда яратилиб, улар ислом қонунчилиги - фикҳ мавзуида битилган асарлар билан бир қаторда нафақат ҳукмдорлар, балки аҳолининг саводли қатламлари томонидан севиб мутолаа қилинадиган китоблар қаторидан ўрин олди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган Газзолийнинг «Кимёйи саодат», Кайковуснинг «Қобуснома», Амир Темурнинг «Тузуклар», Хожа Самандарнинг «Дастур ул - мулук» ва бошқа кўплаб «Дастур ул- амал», «Дастур ул - вузаро» каби асарларда Шарқ, жумладан туркий дипломатиянинг жуда кўп қирралари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Масалан, Хожа Самандар Бухоро хукмдори Субхонқули Муҳаммад Баҳодирхонга (1645 - 1680) атаб ёзган юқоридаги «Дастур ул - мулук» китобида ташқи муносабатларни яхшилашда, бошқа мамлакатлар билан алоқалар даражаси замирида элчиликнинг гоят катта, айрим ҳолларда ҳал қилувчи

аҳамиятга моликлигини алоҳида таъкидлайди. У ўз асарида ташқи алоқалар масалалари таҳдилига мустақил бир боб багишлаган. «Азизим, – деб ёзди у, – злчи икки масалада ниҳоятда хушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатининг номуси, шон – шуҳратини, салтанатининг улутворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр ва ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиши лозим».

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида кўплаб дипломатия тарихига оид ҳужжатлар жамланган мактублар тўпламлари мавжуд. Бу хилдаги манбалар дипломатиямиз ўтмишидан ҳикоя этувчи учинчи турдаги манбаларни ташкил этади. Улар турли даврларга мансуб бўлиб, Туркистон ҳукмдорларининг ташқи дунё билан юритиб келган алоқаларини ўзида мужассам этган. Масалан, 2278 рақами «Мактуботи Темурия» тўпламига Амир Темур ва темурийлар хонадонига тааллуқли-турли шоҳзода, кичик ҳукмдорларга юборилган хатлар, уларга берилган жавоблар намуналари киритилган бўлиб, улар ўша давр дипломатия қонун-қоидалари ташқи муносабатлар олдида турган қатор муаммоларга ойдинлик киритади. XVI - XVII асрларга оид бир қатор ҳужжатлар мажмуаларида Абдулахоннинг Ҳиндистон подшоҳи Акбар шоҳга ёзган мактублари, Акбаршоҳнинг «Абдулахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуб» номли хати, Абулфазл Алломийнинг «Макотиби Абулфазл Алломий» тўпламидан жой олган Абдулазиз Муҳаммад Баходирхоннинг Ҳиндистон подшоҳлари Шоҳи Жаҳон ва Шоҳ Аврангзеб Оламгирга ёзганлари, XIX асрнинг биринчи чорагидаги мангитлар ташқи

сиёсатини ўзида акс эттирган «Амир Ҳайдар мактублари» каби мажмуалар ўзбек дипломатияси тарихини ёритишда гоят муҳим ёзма манбалар сирасига киради.

Юртимиз дипломатияси тарихи ҳақида сўз кетаркан, табиий, уни ҳар томонлама ёритиш учун бошқа турдаги манбалар, жумладан, қадимий юонон ва хитой тилларидағи ёзишмалар, архив материаллари ҳамда хорижий мамлакатларда чол этилган турли хилдаги ҳужжатлар мажмуаларидан ҳам фойдаланиш жоиз бўлади. Шундагина биз ҳалқимизнинг неча минг йиллар мобайнида тарихда босиб ўтган мураккаб, аммо шонли йўлини, унинг жаҳон цивилизациясига узлуксиз равищда қўшиб келган ҳиссасини рад этиб бўлмайдиган ишончли далиллар асосида кўрсатиб бериш имкониятига эга бўламиз.

ЎзР ФА ШИ стажёри, Токио Давлат Университети  
докторанти.

## Яёи КАВАХАРА.

Муҳаммад Ҳаким-хоннинг “Мунтахаб ут-таворих” асари тарихий манба сифатида.

“Мунтахаб ут-таворих” (1843 йилда ёзилган, бундан сўнг-МТ)<sup>1</sup>-Қўқон тарихига оид энг тўлиқ ва энг машҳур манбалрдан биридир. МТ 18 асрнинг иккинчи чорагидан 19 асрнинг биринчи ярмигача бўлган оригинал тарихий маълумотларни ўз ичига олади. Автори Муҳаммад Ҳаким-хоннинг отаси Маъсум-хон Нақшбандий-Маҳдум-и Аъзамий хожаларидан машҳур ва обрўли бир шахс бўлган. Маъсум – хон Қўқон хонлигида Олим-хон (1800-1810) ва Умар-хон (1810-1822)нинг ҳукумати вақтида шайх ул-ислом бўлган. Унинг онасига келсак, у Олим-хоннинг синглиси ва Умархоннинг опасидир.

МТ борасида олдин ҳам бир неча тадқиқотлар ёзилган ва унинг катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган кўпроқ ўрганилган эди. Лекин юқорида зикр қилинган авторнинг хожалар билан қон-қариндошлиқ алоқаси бўлганлиги учун бу манбада автор ўзи кўрган ва бошидан кечирган нақшбандий хожалар ҳақида, ҳамда Қўқон хонларининг хожалар билан муносабатлари ҳақида ҳам кўп маълумотлар бор. Қўқон хонлиги тарихига оид бошқа маълум бир қанча манбалардаги маълумотлар билан солиштириб кўриб, бу манбада

---

<sup>1</sup> Мухаммед Ҳакимхан, Мунтахаб ат-Таварих, Ба чоп ҳозиркунанда, муаллифи музаддима ва Тальи? от А.Мухтаров, 1-2, Душанбе, 1983-85

келтирилган маълумотларда барча хонларнинг хожалар билан муносабатини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Қўқон хонининг хожалар билан биринчи алоқаси Шоҳрух-хон хожаларнинг ҳукмронлигини даф қилиб, Қўқон хонлигини ташкил этган воқеа бўлса керак. Бу мазмун машҳур Қўқон манбаларидан бири Мулло Ниёз Муҳаммаднинг “Тарих-и Шоҳруҳий” (1872 йилда ёзилган, бундан сўнг-ТШ)<sup>2</sup> да ёзилган кенг маълум мулоҳазадир. Лекин бу воқеа эса ТШда ҳам икки афсонадан бири деб ёзилган ва Мирзо қаландар Мушрифнинг “Шоҳнома-йи Умар-хоний” (1822 йилда ёзилган, бундан сўнг-ШУ)<sup>3</sup> ва МТ каби дастлаб ёзилган бошқа манбаларда бу афсона хусусида ҳеч қандай маълумотлар ҳам йўқ ва хатто Шоҳрух-хон биринчи ҳукмрон деб саналмайди. Шунинг учун буни давримизга етиб келган манбалар асосида тарихий факт деб ҳисоблаш қийин.

Шоҳрух-хон муносабати билан яна қизиқ бир афсонага эътибор беришимиз керак. Бу афсона эса Шоҳрух-хоннинг вафоти тўгрисида. Демакки, Шайх Мулло Бозор Суфий Наманганий (Пир Машраб)нинг бир муриди Қўқон шаҳрига келганда у қамаб қўйилган. Ўша шайх Қўқонга келиб, Шоҳрух-хондан муридини озод қилишни сўраган. Лекин хон рад жавоби берди. У ҳолда шайх Тўқайтепага кетиб, ер устига хоннинг суратини чизди. Кейинчалик суратига камондан ўқ узган. Ўша ўқ суратнинг елкасига теккан. Жума куни хон елкасидан ярадор

---

<sup>2</sup> Таарихъ Шахрохи. История владытелей Ферганы. Сочинение Моллы Ниязи Мухаммаедъ бенъ Ашуръ Мухаммедъ, хокандца, азданная Н.Н.Пантусовым, Казань, 1885.

<sup>3</sup> Россия фанлар академияси, Шар?шунослик институтининг Санкт-Петербург б?лими.

бўлиб, вафот этди. Кейинроқ шайх хоннинг ўлимини билиб, муриди билан у ҳақда гаплашди. Муриди «Хирс кай мурд? (форсча, яъни; Айик қачон ўлди?)» деб сўраган. Бу жумла «тарих» бўлиб, 1134 (1721-22) йилни кўрсатиб беради.

Хоннинг вафоти газабланган шайхнинг сеҳрли ҳаракати натижаси экан. Бу афсона, эҳтимол ўша замондаги хожаларнинг руҳоний ва диний нуфузларини кўрсатяпти. Шоҳруҳ-хоннинг аждодларига ҳам машҳур хожалар Фаргона ҳокимиятини багишлаганлар, деган афсона ҳам хожаларнинг шундай обрўга эга бўлганликларидан гувоҳлик беради.

МТдаги маълумотни кўрсак, Қўқон хонининг хожалар билан биринчи аниқ алоқаси-Бухоро хони Абулфайз хон (1711-1747) молик бўлган Самарқандда сиёсий бетартибликка тортилиб, сўнг Хўжандга қочиб келган Эшон Ортиқ Хожа билан боғлиқdir. Бу пайтда Қўқон хони бўлган Абдулкарим-бий бу хожа учун Хўжандда ўз уйида яшашга имкон берди. Ушбу хожа МТ автори Муҳаммад Ҳаким хоннинг катта бувисидир. Бундан кейин унинг авлодларининг Қўқон хонлигидаги ҳаракатлари фаол бўлиб ўтади.

Абдулкарим-бий вафот этганда, ТІШда айтилишича, унинг ўғли Абдурахмон-хон тахтга ўтириди. Аммо тўқиз ой ўтганда у бошқа жойга ўтказилди ва Раҳим-хоннинг ўғли Эрдана-бий тахтта ўтқизилди. Аммо қалмоқлар 1745 йилда Фаргонани босиб олганда, асир қилиб олиб кетганлари Бобо-бекни хон тахтига ўтқизиш учун юборганлар. Лекин бир йил ўтганда Қўқондаги катта амалдор(амир)лар уни ўлдириб, қайтада Эрдана-бийни хон қилганлар. МТда эса Эрдана-бий амирларининг маслаҳатлари бўйича Абдурахмон хонни унинг Ой Жон Ойим билан бирга ўзи ўлдириди. Демак, у вақтда Қўқон

хонларининг сиёсий куч ва қудратлари у қадар катта эмас эди. Амирлар ўз хоҳишлари билан бирор хонни тахтга ўтиргизар ёки тахтдан тушира олар эдилар.

Эрдана-бий илгарироқ Раҳим-хон ва Абдулкарим-бийларнинг хотини бўлган Ой Чучук Ойимни Хўжандда яшаган Эшон Ортиқ Хожага турмушга берган. Бу никоҳдан Ҳаким-тўра номли ўғли тугилган ва у автори Мұхаммад Ҳаким-хоннинг ҳақини ҳимоя қилиш учун бошқа бир гуруҳ, яъни хожалар билан қон-қариндошлиқ ришталарига эга бўлиб, ўз мавқенини кўттармоқчи эди. Лекин хожаларнинг Қўқондаги бу каби сиёсий тартибсизликдан қўрқиб, Даҳбедга чиқиб кетиб, у ерда яшаганликлари ҳам маълумдир. Кейинроқ хон бўладиган Норбўтабий ҳам бу пайтда ўзининг бувиси Ой Чучук ва Ҳаким-тўралар билан бирга Даҳбедда умр кечирган эди.

Эрдана-бийнинг вафотидан кейин ҳам, хон таҳти учун ички зиддиятлар юз берди. Амирлар Шоди-бийнинг ўғли Сулаймон –бийни тахтга ўтқазиб, лекин уч ойдан кейин уни ўлдириб, Норбўта-бийни Даҳбеддан қайтариб келтириб, хон таҳтига ўтқизган эдилар. Норбўта-бий кучли амирлардан икки оиласи йўқотишга муваффақ бўлиб, ушбу амирларнинг ўрнига Деҳбедда ўзи билан бирга яшаган бир хожани тайинлади. Бу тўғрида МТда шундай ёзилади: «Сиёдат-паноҳ Хон Хожа ва Ҳаким-тўра Даҳбедда Эшон Мусо Хон Хожанинг хизматида умр ўтказган. Хон Хожа Ирисқулбий (энг катта амирлардан бири-Я. К.)нинг вафоти ҳақида хабарни эшилтгач, шошилинч Қўқонга юзланиб, Норбўта-бий хизматига етиб келди. Норбўта-бий Намангандан Тўра-қўргон мамлакатини

унга топширди» (МТ, 393). Яъни, бу хожанинг Қўқондан қочиб кетиб, Деҳбедда яшаб турганининг сабаби хожаларнинг амирлар билан душманлик алоқалари эди.

Норбўта-бийнинг ўғли Олим-хон эса ўзининг синглиси, Офтоб Ойимни Ҳаким-тўранинг ўғли, Маъсум-хонга турмушга бериб, Испара шаҳрининг ҳокими бўлган Бойбўта-Баҳодур номли Норбўта-бийнинг энг катта амирини ўлдириб, унинг ўрнига Маъсум-хонни тайинлаган.

Эрдона-бийдан бошлаб хонлар турли хожаларга ўзларининг қизларини турмушга берар эдилар. Лекин хожалар одат бўйича ўзларининг қизларини хонларга бермас эдилар. Шундай қилиб, хонлар хожаларни хонликнинг сиёсатида қатнаштира бошладилар ва хожаларнинг обрў-эътиборидан фойдаланиб, ўз сиёсий мавқеларини оширас ва амирларга нисбатан кўпроқ кучга эга бўлар эдилар.

Умар-хоннинг даврида бу жараён аста-секин ўзгарди. Яъни, Умар-хон хожалар оиласидан бир қизни хожаларнинг норозилигига қарамай, куч билан турмушга олишга муваффақ бўлган. Умар-хон 1816 йилда Туркистон шаҳрини босиб олиб, ўзини Амир ал-Муслимин деб атаган ва ҳақиқатан ҳам унинг даврида Қўқон хонлигининг ривожланган вақти бўлганлиги манбалардан қайд этилган. Унинг шундай сиёсий кучи хожалар билан муносабатни ўзгартиришга имконият берди. Умар-хон илгаригидек факат хонларнинг қизларини хожаларга бериб, хожаларни давлатнинг шайх ул-ислом, хожайи калон ёки шаҳарларнинг ҳокимлари каби катта лавозимларга таклиф қилиш билан қаноатлағмай, ўзи ҳам диний раис бўлишни хоҳлаган. Хожаларнинг қизларини турмушга олишга муваффақ бўлганлиги

учун ҳам шу даврда хоннинг кучи кескин кўтарилган деб айтишимиз мумкин.

Умар-хоннинг ўғли Муҳаммад Али-хон даврида эса бу хон хожаларни Қўқондан ташқарига чиқара бошлади. Маъсум-хон ва Муҳаммад Ҳаким-хонларнинг ҳаж баҳонаси билан сафарга юборилганилиги ҳам шунинг учундир. Улар ҳаждан қайтиб келганда ҳам Қўқон ҳудудига кира олмай, Шаҳрисабзда турганлар.

Хонлар аввал хожаларнинг обрў-эътиборидан фойдаланиб, ўзларининг сиёсий кучларини ошириб олгач, энди улар билан камроқ ҳисоблашар эдилар. Бу шароитда Қўқондан чиқиб кетган Маъсум-хон, Муҳаммад Ҳаким-хон, Султон-хон Хожа ва Баҳодур каби кўпі хожалар Бухорога борганлар. Қўқонда амирлар қайтадан кучлироқ бўлиб, давлатда тартибсиз бир вазият юз берди. Хонликнинг сиёсий қудрати ҳам сусайди. Бошқа томондан, Бухоро амири Насруллоҳ (1826/1860) Қўқондан келган хожаларни юқори лавозимга тайинлаган. Масалан, Қўқонда Хожа-йи Калон бўлган Султон-хон Хожани Бухорода шайх ул-ислом этиб тайинлаган. Ниҳоят 1842 йилда амир Насруллоҳ Қўқондаги бундай сиёсий тартибсизликдан фойдаланиб, Қўқонга юриш қилиб, шаҳарни эгаллади.

Муҳаммад Ҳаким-хон, балки хожаларнинг сиёсий воқеалардаги мавқеини кучайтиrb кўрсатмоқ учун Амир Насруллоҳнинг Қўқонга юришга қарор қилишида хожаларнинг ҳам иштироки бор, дейди. Муҳаммад Ҳаким-хон ўзи ҳам хожалар тоифасига мансуб бўлиши мумкин. Бу масалада шак-шубҳаларга бутунлай барҳам бериш мумкин бўлмаса ҳам, Қўқон хонлигидаги сиёсий ўзгариш жараёни ҳақида бир хожанинг нуқтаи назаридан деб баҳолаш мумкин.

«Мунтахаб угтаворих» асаридағи тарихий катта қийматта әга бұлған маълумотлардан бири мазкур воқеа тафсилотидир. Биз бу кичик ахборотимизда ушбу маълумотни көлтириш билан чегараланамыз. Хожаларнинг агиографияларидан ҳам фойдаланиб, фақат Қўқон хонлигини эмас, Бухоро ва Хива хонликларидаги аҳволни ҳам қиёсий ўрганиш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Низомий номидаги ТДПУ  
«Манбашунослик ва тарих  
үқитишиш методикаси кафедраси»  
катта ўқитувчиси,

*академик*  
*A.Асқаров*

*Ўзбек давлатчилигининг илк босқичлари  
қадимги Фаргона*

1. Ўзбекистон Республикасининг таркибий қисми ҳисобланган Фаргона водийси қадимда Юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» асарида «париканийлар юрти», Хитой тарихчиси Сима Цяннинг «Тарихий эсдаликлар» ва Бан Гунинг «Биринчи Хан сулоласининг тарихи» асарларида эса «Даван» деб тилга олинади. Шу билан бирга қадимги Хитой транскрипциясида «Полона» деб аталиши ҳам қайд этилган. Милодий V асрдан бошлаб эса Фаргона номи Хитой манбаси Бэй - шида (VII аср) «Паканна», «Бохан», «Фейхан» номлари билан тилга олинади. Бэй - шида Фейхан беклиги пойтахтининг айланаси 4 ли (1 ли 576 м. га teng) дейилган. Бошқа бир Хитой манбаси Тан - шуда (X аср) «Мамлакатни III асрдан то VII асрғача бир сулола бошқарган» дейилади. Демак, олтин қиёфасида ишланган таҳтда ўтирган ҳукмдор маҳаллий деҳқонзодалардан бири булиб, у Фаргона мулкини бошқаган, VII асрдан бошлаб Фаргона турк сулоласи томонидан бошқарила бошлаган.

2. Араб тарихчилари Ёқут ва Қудамаларнинг хабар беришига қараганда илк ўрта асрларда нафақат Фаргона мулки, балки унинг бош шаҳри ҳам Фраганик деб юритилган, аниқроғи вилоят унинг бош шаҳри номи билан аталган. Вилоятнинг

бош шаҳри эса Ибн Хурдодбехда қўрсатилганидек, ҳозирги Ахсикат шаҳар ҳаробаси бўлган. У хақда халифаликка тегишли ҳудудлардан ўтган савдо карвон йўллари ва улар бўйлаб жойлашган шаҳар ва қишлоқлар тўғрисида «Йўллар ва подшоликлар ҳақида китоб» асарини ёзган IX аср араб географи Ибн Хурдодбех шундай дейди: «Самарқанддан Фарғонагача (бу ерда у қадимги Фарғонанинг бош шаҳрини кўзда тутади) 53 фарсах (1 фарсах 6-8 км). Баб (Поп) дан Фарғонагача 4 фарсах».

3. Таъкидлаш жоизки, то VIII асргача Фарғона мулки ҳақида, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ҳақида маълумот берувчи бирор маҳаллий ёзма манба биззача етиб келмаган. Бундай ҳолатнинг заминида Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида таъкидлаганидек, халифаликнинг шарқий вилоятлари ноиби Қутайба ибн Муслим сиёсати ётар эди, яъни шахсан унинг буйрути билан ерли аҳолининг бой ёзма мероси ва юксак санъат асалари бозор майдонларига йигдирилиб ёқиб юборилган эди.

4. Маҳаллий ёзма манбалардан илк бор қадимги Фарғона ҳақида маълумот берувчи, биринчи ҳужжат Муг қалъа архивидир. Ушбу архивнинг «A14» деб номланган Фатуфарн мактубида Фарғона мулки сугдчада «Фраганик» номи билан тилга олинади. Мактуб мазмунига қўра (проф. М.Исҳоқов таржимаси), Сугд подшоси, Панҷ ҳокими Деваштич 717 - 719 йиллар оралигига Чоч ҳукмдори ва Фраганик ихшидлиги ҳузурига хат билан Фатуфарн исмли шахсни элчи қилиб юборади. Фатуфарн Чоч ва Фрагана подшоликларининг олий мансабдор кишилари билан арабларга қарши иттилоқ тузиб келингга юборилган эди. У Чочда ҳоқонликнинг олий мансабдаги амалдори тудун, Чоч ҳокими, унинг

ёрдамчиси, Фраганик ихшидлигининг тутуғи (Харбий вакили), форс лашкарбошчиси, Марвон исмли шахслар билан учрашган. Қайтишда Уструшона орқали ўтишни иложини топа олмай (чунки у жойларни араблар эгallаган бўлган) Чочга қайтиб, Деваштичга Марвон исмли ишончли шахс орқали мактуб юборган. Ана шу мактубда Фраганга подшосига ёзилган Даваштич хатини Фраганик тутуғи орқали Фраганага бериб юборилгани ҳақида ҳам алоҳида қайд этилган. Демак, ушбу мактуб мазмунига кўра, Фаргона мулки илк ўрта асрларда ихшид (подшо) томонидан бошқарилган.

5. Юқорида зикр этиб ўтилган ёзма манбалар ичида қадимги Фаргона ҳақида тўлароқ маълумот берувчи манба Чжан Цяннинг Хитой императорига ёзган ҳисботи эди. Хитой тарихчилари Сима Цян ва Бан Гу ана шу ҳисботга асосланиб ёзган асарларида қадимги Фаргона давлати ҳақида, уни бошқариш тартиб қоидлари ҳақида анчагина маълумотлар келтирадилар. Бунга кўра, Даван аҳолиси сугорма деҳқончилик ва бодгорчилик билан шугулланади. Улар савдода моҳир ва ўддабурон, йилқичилиқда «қанотли» аргумаклар етиштиришга катта эътибор берадилар. Даванда 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар бор. Уларнинг ҳар бири мустақил ўз ҳукмдорига эга. Амалда мустақил ягона олий ҳукмдор йўқ. Мамлакат тақдирни билан боялиқ олий даражадаги масалалар бадавлат деҳқонзодалар кенгашида ҳал этилади. Ҳукмдор Олий Кенгаш маслаҳати билан иш тутади. Акс ҳолда Олий Кенгаш уни айби учун вазифасидан бўшатиши, унга қаттиқ жазо белгилаши мумкин. У Гушан шаҳрида ўлтиради. Даванда 60 минг оила (300 минг киши) яшайди, улардан 60 минг яхши қуролланган отлиқ аскар тўпланади. Улар отда туриб камон отишда,

найза санчишда моҳир жангчи. Яна Сима Цян хитойликларнинг икки марта (милоддан аввалги 104 ва 101 йилларда) Даванга қилган ҳарбий юришлари ҳақида, Чжан Цян Даванга келганда ерли аҳоли уни қаңдай яхши кутиб олганликлари, уни Кангуйгача кузатиб қўйғанликлари ҳақида сўзлайди. Уларнинг ҳатти - ҳаракатларида Хитой билан савдо қилишга қанчалар ошиқаётганликлари сезилиб турарди, деб ёзади.

6. Дарҳақиқат, Фаргонадан ўтган савдо Ипак йўли Чжан Цян сафаридан сўнг Хитойдан Ўрта Осиёга биринчи бор кириб келди. Хитой манбаларининг қадимги Фаргона ҳақида, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузуми ҳақидаги хабарлари водий тарихи учун ўта муҳим бўлиб, уларни археологик материаллар билан қиёсий ўрганиш ўша давр тузумини тўлароқ тасаввур этишга имкон беради.

7. Қадимги Шарқда, жумладан Ўрта Осиёning қадимги деҳқончилик маданияти ривож топган минтақаларида давлатчиликнинг дастлабки илдизлари шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши билан бөгланиб кетган. Худди шундай ҳолатни ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожланган Фаргона водийсида ҳам кузатиш мумкин. Бу ўлкада кейинги 50 йил давомида олиб борилган археологик қозишималар натижаларига кўра, ушбу замин аҳолиси бронза давридан бошлаб, (Чуст маданияти) сугорма деҳқончилик маданияти билан шуғулланиб келадилар. Сўнгра бронза ва илк темир даврига келиб (милоддан аввалги VII-IV асрлар) проф. Ю. А. Заднепровскийнинг кузатувига кўра, бутун Фаргона водийси бўйлаб 15 та қадимги деҳқончилик воҳалари ташкил топганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бир воҳада бир нечалаб ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улар

базасида илк бор темир давридан бошлаб дастлабки шаҳарлар қад кўтара бошлаган. Масалан, Далварзинтепа, Элатан, Ашқалтепада бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Антик даврга келганда (милоддан аввалги III- милодий IV асрғача) урбанистик жараён бутун водий бўйлаб кенг ёйилди.

8. Фаргона водийсининг қадимшунос олимаси Бахтигул Абдулгозиеванинг Қорадарё ҳавзасида олиб борган археологик тадқиқот натижаларига қарагандা, биргина мана шу маскан доирасида антик ва илк ўрта асрларда 11 та ирригацион ҳудуд ташкил топган. Ҳар бир ирригацион ҳудуд бир нечтадан микровоҳаларга бўлинган. Масалан, Аравансой ирригацион ҳудуди 30 та антик ва 14 та та илк асрлар даври ёдгорликларини ўз ичига олган 10 микровоҳалардан ташкил топган. Ушбу ирригацион районнинг бош шаҳри Мингтепа (Марҳамат) археологик ёдгорлиги бўлиб, проф. А. Н. Берништам уни Даванинг пойтахти Эрши бўлса керак, деб фараз қиласди. Оқбўри ирригацион райони икки воҳадан иборат. Уларнинг биринчиси 20 та антик давр ва 14 та илк ўрта асрлар даври ёдгорликларини ўз ичига олган 9 та микровоҳалардан иборат бўлган. Воҳанинг бош шаҳри Булоқбоши ёдгорлиги бўлиб, илк ўрта асрларда унинг майдонида аслзода деҳқонларнинг бирини қасри жойлашгани. Оқбўри ирригацион районининг иккинчи оазиси 30та антик ва 22 та илк ўрта асрлар даври ёдгорликларини ўз ичига олган 5 та микроаазислардан иборат. Оазиснинг бош шаҳри Қиличмозортепа бўлиб, у 7,5 гектар майдонни эгаллаган. Хуллас, Қорадарё ҳавзасининг қолган ирригацион районлари Султонобод, Қўргонтепа, Андижонсой, Қорабош, Тентаксой, Мойлисой, Улугнор, Бўз ва Шаҳрихонсойларда ҳам бир неча воҳа ва

микровоҳалар ҳамда ўнлаб антик ва илк ўрта асрлар даври ёдгорликлари қад кўтарган.

9. Антик ва илк ўрта асрлар даври ёдгорликларининг тарихий топографияси ва уларнинг ички структурасидан келиб чиқиб, қуиидаги хуносага келиш мумкин.

1) Қадимги Фаргонада ўтроқ деҳқончилик маданияти милоддан аввалги II - I асрлардан то милодий III асрларгача алоҳида ривожланиш ҳусусиятига эга бўлиб, шу давр ёдгорликларининг тарихий топографиясига қараганда, эркин деҳқон хўжаликларнинг қишлоқ жамоаларига тегишили ёдгорликлари аксарият кўпчиликни ташкил этади. Масалан, шу даврга оид ёдгорликлар Қорадарё ҳавзасида 247 та бўлса, илк ўрта асрлар даврига келиб, уларни сони кескин қисқариб, 166 тага тушиб қолди.

Демак, қишлоқ жамоалари ичида мулкий табақаланиш жадал кечган, мулк эгалари кашоварзларнинг бир қисми мулксиз қадиварларга, улар ҳисобига бойиб бораётган кечаги кашоварзларнинг бошқа бир қисми эса бадавлат деҳқонларга, яъни мулкдор феодалларга айланиб борган.

2) Археологик ёдгорликлар тарихий топографиясига кўра, улар уч категорияга бўлинади: шаҳарлар, қишлоқ жамоаларининг масканлари ва қўргонлар. Агар антик даврга қишлоқ жамоаси масканлари кўпчиликни ташкил этса, илк ўрта асрларда қаср ёдгорликлари кўпроқ. Демак, илк ўрта асрларда қаср ва қўргонлар ҳамда шаҳарлар ёдгорликларнинг кўпчилигини ташкил этади. Демак, илк ўрта асрларга келиб, мулкий табақаланишнинг бадавлат деҳқонзодалар фойдасига ишлаётганлиги кузатилади. Бу даврга келиб, деҳқонзодалар

қасрларининг қурилиши нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам кенг тус олди. Ҳар бир ирригацион ҳудудда маҳаллий ҳокимликлар табиий равища, жадал давом этा�ётган ижтимоий ва иқтисодий табақаланиш жараёнининг натижаси сифатида майдонга чиқди.

3) Шундай қилиб, ilk ўрта асрларга келганда Фаргона водийсида ҳар бир ирригацион ҳудуд ва воҳа доирасида қишлоқ ҳокимликлари, йирик шаҳарлар базасидаэса, шаҳар-давлатлар ташкил топади. Илк ўрта асрлар даврининг дастлабки босқичларида ташкил топган ана шундай шаҳар-давлатларнинг бири Фрагана бўлиб, у Сирдарё соҳилида антик даврда ташкил топган шаҳар-ҳозирги Ахсикент бўлса ажаб эмас. Чунки, IX аср араб географи Ибн Хордатбех, юқорида зикр этганимиздек, савдо карвон йўллари бўйлаб қад кўтарган Ўрта Осиё шаҳарларини таърифлар экан, у Баб (Поп) дан сўнг савдо карвони тўхтайдиган шаҳар Фрагана эди, деб хабар беради.

4) Археологик материаллар таҳдилига қараганда Фрагана антик даврдаёқ ташкил топган йирик шаҳар бўлган. Илк ўрта асрларга келиб унинг мавқеи ва нуфузи янада кенгайди ва бутун водийнинг пойтахт шаҳрига айланди.

5) Фрагана ихшидлигига сиёсий ва иқтисодий давлат бошқарув тизими Сугдиёна ва Тоҳаристондан фарқ қилмаган. Илк ўрта асрларда худди ўшалардагидек, Фаргона водийсида ҳам бир неча маҳаллий феодал давлатчалар бўлган. Уларни бошқариш маҳаллий бадавлат деҳқонзодалардан чиққан ҳукмдорлар қўлида бўлган. Фраганик атамаси IX асрнинг иккинчи ярмидан, қачонки форс тили Мовароуннаҳрда сутд тилини сиқиб чиқаргач, Фаргона деб аталадиган бўлди.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номида-  
ти Шарқшунослик Институти етакчи  
илемий ходими  
**Қувомиддин Муниров**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академияси Шарқшунослик институтининг  
қўлёзма асарлар хазинасидаги тарихий  
асарлар.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, тарихчиларимиз олдига катта вазифаларни қўймоқда.

Энди уларга тарихимизни атрофлича ўрганиш ва мустабид замонларда айта олмаган ҳақиқатларни борича айтишга шароит яратилди. Бу вазифани адо этишда, ота - боболаримиз тарафидан яратилган тарихий асарларни ўрганиш ва у асарларда келтирилган маълумотлар асосида тарихимизни яратишимишиз керак.

Биз бу имкониятга эгамиш. Ота - боболаримиз тарафидан узоқ асрлар давомида қатор қимматли тарихий, илмий ва адабий асарлар яратилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидағи Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар хазинаси, у ерда сақланаётган асарларнинг илмий қиймати жиҳатидан, шу каби дунё хазиналари ичдиаэнг бой қўлёзма хазиналаридан бири ҳисобланади ва ўзига хос фахрли ўринни эгаллайди.

Бу ерда сақланаётган қўлёзма асарларнинг энг қадимийси IX асрда ёзилган бўлса, энг сўнггилари XX асрнинг бошларида ёзилган.

Масалан: Бу ерда сақланаётган Қуръони Каримнинг қўлёзма нусхаси IX асрда куфий хатида

битилган. Ҳадисшунос олимлардан Ибн Салломнинг (222 ҳижрий/837 милодий) «Гариб ул-ҳадис» асари эса, асар охирида кўрсатилишича, 344 ҳижрий 955 милодийда ярим куфий ва ярим насх ҳатида ёзилган. Бу қўлёзма хазинадаён ўрин олган асарлар, ўзбек, араб, форс, тоҷик, урду, пушту, озарбайжон, турк, татар, туркман, уйгур, ва бошқа шарқ тилларида ёзилган.

Бу ерда сақданаётган қўлёзма асарлар Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, араб мамлакатлари, Эрон, Туркия давлатларининг ва у ерда яшовчи ҳалқларнинг тарихи ва маданияти тарихини ўрганишда, шунингдек, бу давлатлар ўртасида мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқалар тарихини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга.

Бу кичкинагина мақолада бу асарларнинг ҳаммасига тавсиф бериб ўтишининг иложи йўқ. Ўзбек ҳалқининг қадимий ва ўрта асрлар даврлари тарихи бўйича шарқда машҳур умумий тарихга оид Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий», Ибн Мискавайхнинг «Тажорибул-умам», Ибн ал-Асирнинг кўп жилдан иборат «Тарихи Комил», Рашидуддин Фазлулоҳ ибни қаламига мансуб «Жомиъ ут-таварих», Банокатийнинг «Равзат ул-албоб», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» ва шу каби бошқа тарихчиларнинг асарларида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, мазкур қўлёзма асарлар хазинасида Ўрта Осиё ҳалқлари тарихига оид қатор қимматли тарихий асарлар сақланмоқда. Улардан бири X асрда араб тилида ёзилган Абу Бакр Муҳаммад ибни Жаъфар Наршахий томонидан ёзилган «Тарихи Бухоро» - асаридир. Бу асарда

Бухоронинг ташкил топиши, шаҳар архитектураси ва Бухоро атрофида жойлашган қишлоқлар, ўша даврда яшаган олимлар, ҳукмдорлар ва бошқа масалалар ҳақида гапирилади.

Қимматли тарихий манбалардан яна Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Митлаъ ус - садайн ва мажмаъ ул -баҳрайн», Фазлулоҳ ибн Рӯзбихоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Хоғиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» (бу асарнинг «Шарафномаи Шоҳий» номи билан ҳам юритилади) асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

XVII асрга келиб Ўрта Осиёда уч хонлик: Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари шакллана бошланди. Бу хонликлар даврида ҳар бир хонлиқда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни баён этувчи алоҳида-алоҳида асарлар ҳам майдонга келди. Бухоро хонлиги тарихига оид асарлардан, Муҳаммад Юсуф Мунший Ҳожа Бақонинг «Тарихи Муқимхоний», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулла нома», Абдураҳмон Толеънинг «Тарихи Абулфайзхон», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Сайийд Роқимнинг «Тарихи Роқимиий», Муҳаммад Вафонинг «Туҳфаи хоний», Мулла Ибодуллоҳнинг «Тарихи Амир Хайдар», Мулла Абдулазим Сомийнинг «Туҳфаи шоҳий» ва «Тарихи салотини Мангития», Мирза Салимбекнинг «Тарихи Салимий» ва бошқа тарихчиларнинг асарларини кўрсатиб ўтса бўлади.

Шунингдек, Қўқон хонлиги тарихи Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтаҳаб ут-таворих», Абдулгафурнинг «Зафарномаи Худоёрхоний», Ниёз Муҳаммад ибни Ашур Муҳаммад Ҳўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий», Мулла Мирза Олим

Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин ва таворихи ҳавоқин», Муҳаммад Фозилбекнинг «Муқаммали тарихи Фаргона» ва бошқа асарларда ўз аксини топган.

Хива хонлигида ҳам Хоразм тарихига оид қатор тарихий асарлар ёзилди. Бу ишни Хива хони ва тарихнависи Абулгозийхон бошлиб берди. Абулгозийхон бошлаган ишни XIX асрда атоқли ўзбек шоирлари ва тарихнавис олимлари Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳийлар катта маҳорат билан давом эттирилар. Буларнинг ишини XIX аср ва XX аср бошларида яшаган тарихнавис олим ва шоир Муҳаммад Юсуф Баёний давом эттиради.

Хива хони ва тарихнавис олими бўлган Абулгозийхон «Шажараи Турк» ва «Шажараи тарокима» номли қимматли тарихий асарларнинг муаллифидир. Абулгозийхон ўз даврининг давлат арбоби, лашкарбошчиси ва атоқли тарихнависи бўлиш билан бир қаторда, тиб илмини яхши билган ва бу борада асар ҳам тасниф этган.

Унинг тарихнавислик ишини давом эттирган атоқди тарихнавис олим ва шоир Шермуҳаммад Мунис ўзининг Хоразм тарихига оид муқаммал «Фирдавс ул - иқбол» номли тарихий асарини ёзади. Бу асар Муниснинг вафоти туфайли охиригача ёзилмай қолган эди. 1813 йилдан 1825 йилгacha Хоразмда бўлган тарихий воқеалар унинг шогирди Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан Муниснинг Хоразм тарихи бўйича тарихий асарлар ёзиш ишини давом эттирган тарихнавис олим ва шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий эди. Бу борада Огаҳий қатор «Риёз уд-давла», «Зубдат ул-таворих», «Жомиъ ут-воқеоти сultonий», «Гулшани давлат» ва «Шоҳиди иқбол» номли асарларини ёзади. Бу тарихий асарларда бир

нече хонлар ҳукмронлик қилган даврда, яъни Хоразмда 1825 йилдан 1872йилгача бўлган тарихий воқеалар ўз аксини топган. Орада Хоразм тарихини ёзиши иши бир қанча вақт тўхтаб қолган эди. Кейинчалик Асфандиёрхон (1910 - 1918) даврига келиб, бу ишни тарихнавис олим ва шоир Муҳаммад Юсуф Баёний давом эттирган. У Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган юқорида кўрсатиб ўтилган тарихий асарлар ва уларни ўрганиш асосида ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» номли асарларини ижод этади.

Бу мақолада юқорида зикр этилган тарихий асарларни кенг тавсифлаб ўтишнинг иложи йўқлиги туфайли шуни хулоса қилиб айтса бўладики, тарихимизни атрофлича ўрганиш учун ота - боболаримиз томонидан ижод этилган ва бизгача илмий мерос сифатида етиб келган бой маълумот берувчи бу қўлёзма тарихий асарлар тарихимизни атрофлича ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қиласади.

ЎзР ФА ШИ Шарқ  
қўлёзмалари фонди мудири  
тариҳ фанлари номзоди,

М.Хасаний,

## *Қўлёзмаларга дастлабки илмий ишлов бериш.*

### 1. Шарқ қўлёзмалари

Инсоният тарихида эрамиздан аввалиг минг йиллиқда ёзув пайдо бўлган экан. Бироқ бу ёзувларда бирорта асар ёзилганми-йўқми маълум эмас. Биз қадимий муқаддас китоблар борлигини биламиз. Булар, Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони Каримдир.

Шарқ қўлёзмалари асосан Ислом пайдо бўлиши билан юзага келди. Қуръони Карим ва хадиси шарифлар бунга асосдир. Кейинчалик эса олимлар томонидан ёзилган шариатта оид ёки бошқа фанларга оид асарлар вужудга кела бошлиди. Уларнинг сони ортиб бориб, ҳисобини билишла қийинчиликлар бўлди. Натижада фикристлар пайдо бўлди. Шундай фикристлардан бизга машҳури Ҳожи Халифанинг «Кашф уззунун» асари эди. Бу асарда Ҳожи Халифа ўзигача маълум бўлган 16 минг асарни тавсия қилган эди.

Қулёзмалар сони кўпайиши билан уларга фикристлар тузиш масаласи ҳам кўндаланг бўла бошлиди ва қўлёзма фондларига фикристлар тузиш йўлга қўйилган.

Мовароуннаҳр ўлкаси ўзининг китобларга бойлиги ажralиб турган. Бу ерда қўлёзма асарлар ҳам кўп бўлган. 1943 йилда Шарқшунослик

институти ташкил топди ва собиқ совет давридаги қўлёзма асарлар бу Институттга жамланди. Йиллар утиши билан институт қўлёзмалар ҳисобига бойий бошлади. Бироқ бу қўлёзмаларнинг сони, муаллифи, китоб номи, ёзилган йили, кўчирилган йилини билишга катта эҳтиёж туғилди.

Қўлёзма фондларидағи асарларга фихристлар тузиш яқиндаги янги ишлардан ҳисобланади. Шарқ мамлакатларидағи кўпгина қўлёзма фондларида ҳам тўлиқ фихристлар мавжуд эмас, ҳозирги кунда ҳам уларни тузиш ишлари давом этмоқда. Масалан, Эроннинг Қум шаҳридағи Маръаший китобхонасида жуда кўп қўлёзмалар сақланади. Бу китобхонанинг ҳозирги кунгача 24 жилдан иборат фихристи эълон қилинди, бу иш яна давом этмоқда.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида 80 мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланди. Ҳозир яна унга Х.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтидан 14 мингта асар қўшилди. 1943 йилдан бўён бу асарларга қисқача тавсиф картотекалар тузилаётган бўлса-да, бироқ ҳамон улар тутгалланмаган. Уларни тўлиқ тавсиф этиш эса жуда орқада. Институт томонидан 11 жилдан иборат қисқача СВР ёки «Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана» деган каталог – китоблар нашр қилинган. Бу каталогларга институтдаги қўлёзма китобларнинг 30 фоизигина кирган холос. Бу эса мазкур фонддаги китоблар билан танишишни қийинлаштиради.

Қўлёзмаларнинг фихристлари қўлёзма фондлар учунгина эмас, балки ҳар бир одамнинг ўз шахсий ҳаётида ҳам керак. Масалан, қўлга қандайдир қўлёма асар тушиб қолди дейлик. Унинг муаллифини, асар номини, асрини ва бошқа маълумотларини биз учун

билиш зарур бўлади. Бунинг учун фихрист тузиш илми билан таниш бўлмоқ лозим.

Қўлёзма фондларида одатда фахрист тузиш қўлёзмаларга биринчи ишлов беришдан бошланади. Бунинг учун:

1. Қўлёзмага маҳсус тартиб рақами қўйилади. Шунингдек, рақам қўйиш имкониятини берадиган муҳр қўлёзманинг биринчи ва охирги бетига урилади. Сўнг тартиб рақами чиройли қилиб ёзилади.

2. Қулёзма ҳақидаги бошлангич маълумотлар йигилади. Бунда китоб номи, муаллифи, қаердан ва кимдан олингани ва қолаверса сотиб олинган нархи ҳам ҳисоб инвентар дафтарда кўрсатилади. Тошбосма асар ҳам шу тартибда бўлади. Бироқ, қўлёзмадан фарқли ўлароқ, тошбосма китобда босилган йили, жойи аниқ бўлиб, булар ҳам инвентар дафтарда қайд этилади.

## КАРТОТЕКА КАРТОЧКАЛАРИНИ ТУЗИШ.

Қайси кутубхонага борилмасин, у хоҳ Европа тиллари, ҳоҳ Шарқ тилларига оид бўлса ҳам, бу кутубхоналарда картотека системаси мавжудлигини кўрамиз. Картотека карточкалари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буларсиз иш юритиб бўлмайди. Кутубхоналардаги ва китоб хазиналаридағи катта китоб захираси орасидан бирорта керакли китобни картотека карточкалари орқалигина топа оламиз. Шунинг учун ҳам, ҳар бир кутубхона ва китоб фондида маҳсус хоналар бўлиб, уларда картотека карточкалари қўйилган бўлади. Хўш, бу карточкалар қандай тузилади ва уларнинг турлари қандай?

Бу саволга жавоб бериш учун ЎзР ФА ШИ қошида жойлашган картотека бўлимини ўрганиб чиқиши айни муддаодир. Бу ерда карточкаларнинг муаллиф номи билан тартиб берилганини кўрамиз. Булардан ташқари яна тил бўйича, фан бўйича ҳамда рақамланган каталоглар ҳам мавжуд. Бу каталоглар керакли китобларни топишда катта ёрдам беради.

### ХАТ ТУРЛАРИ ТАВСИФИ.

Дастлабки араб хати «Хатти маъқалий» бўлиб, бу хат узун чизиқлардан иборат бўлган. Лекин тез орада мавқеини йўқоттан. VII асрдан бошлиб кўфий хати унинг ўрнини эгаллади. Кейинроқ эса бу хат асосида қўйидаги олти хил ёзув вужудга келди:

1. Сулс хати
2. Насх хати
3. Муҳаққақ хати
4. Райҳоний хати
5. Тавқиъ хати
6. Риқоъ хати

Баъзи олимлар бу ёзувларга таълиқни ҳам қўшиб, ёзув етти хил дейдилар.

Қўлёзмаларда энг кўп учрайдиган ёзув насх ҳамда настаълик хатларидир.

Тавсиф билан шугулланувчи киши хат турларидан яхши хабардор бўлиши ва уни ўз тавсифида албатта кўрсатиб ўтиши керак.

ЎзР ФА ШИ нинг Қўлёзмалар хазинасида 9 асрга мансуб Қуръон бўлиб, у кўфий хати билан ёзилган. 9 аср охирига мансуб Ибн Салломнинг «Ғариф ул - ҳадис» асари ҳам бўлиб, унда насх билан сулс хати аралашма ҳолда ёзилган.

## ТАВСИФ КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Қулёзма фонdlарида қдатда шу фондда сақданаётган асарларнинг фихристлари сақланадиган маҳсус хоналари бўлади. Буни ЎзР ФА ШИ мисолида кўришимиз мумкин. институтнинг З қаватидаги 61 ва 62 хоналарида картотека карточкалари жойлашган.

Яшиклардан бирида биз алифбо тартибидаги каталогларни кўрамиз. Бу яшикларда китоб номи билан берилган картотекалар ўрин олган. Биз истаган китобимизни шу яшиклардан китоб номи бўйича осонликча топа оламиз.

Энди бу икки хил фихристларнинг тузилиши билан танишайлик. Китоб номига асосланган фихристларда китоб номи аввал келтирилади. Баъзан бир китобнинг иккита номи бўлади, бундай пайтда шу нарсага ишорат қилинади. Масалан, бир китоб «Ақойид» деб аталса, бошқа ерда «Рисолайн ақойид» дейилиши мумкин. бироқ муаллифи битта бўлиб, фихристда битга номни кўрсатиб, яна фалон номли китобга қаранг дейилади.

Муаллифлар каталогида ҳам шу нарсани кўрамиз. Фиҳрист бошида аввало муаллиф номи келтирилади. Борди-ю муаллиф бир неча номлар билан танилган бўлса, у пайтда шу нарса каталогда ўз ифодасини топади. Масалан, бизга Ибн Сино керак, биз аввало Ибн Синони қараймиз. Карточкада «Ибн Сино» деб ёзилади ва ёнига «Абу Абдуллоҳ Хусайн ибн Сино»га қаранг деб қўйилади. Демак бу ўқувчига ёрдам беради.

### ҚЎЛЁЗМАНИ КАРТОЧКАГА ОЛИШ

Тавсифчи томонидан қўлёзма тўлиқ ўрганиб бўлингач, энди уни картотека карточкасига ёзиб чиқилади ёки бошқача айтганда қўлёзмага карточка тузилади. Баъзан бу амални қўлёзмани карточкага олиш ҳам дейилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, картотека ва карточка сўзлари ўзбек тилига четдан кириб келган бўлиб, бу сўзлар ҳозир ҳам кенг кенг истеъмолдадир. Картотека дейилганда одатда «бирор хилдаги маълумотлар ва материаллар ҳақида тўпланган ва маълум тартибга солинган карточкалар йигиндиси» тушунилади.

Демак, карточкаларда бирор нарса хақидаги маълумот ўз аксини топади. Карточка сўзи ҳатто форс тилига ҳам «карт» сўзи билан кирган. Биз бу ишда карточкани варақа деб олишга қарор қилдик. Бирор кутубхона ёки қўлёзмани унга қайд этувчилар арабча имло қоидаларини аъло даражада билишлари, бунинг устига яхшигина ҳаттот ҳам бўлишлари керак. Бирорта китоб исми ёки муаллиф номи имло хатоси билан ёзиб қўйилса, ўқувчини турли қийинчиликларга дучор қилиши мумкин. ҳаттотлик санъати билан ёзилмаган варақани эса ўқиш қийин бўлади ва янги бошловчиларга ундан фойдаланишда мушкилотлар пайдо бўлади.

Айниқса, араб алифбосида ёзилган хунук хатни ўқиш, аввало, оғирлик қилса, иккинчидан, киши табиатини бузади. Агар сиз ЎзР ФА ШИ «Фихристхона» сига кириб, варақалар билан танишсангиз, чиройли хат билан ёзилган варақаларни кўриб ҳавасингиз келиши турган гап.

Демак, тавсифчи фақат тилни мукаммал билиб, ҳар хил қўлёзмаларни бемалол ўқий олишидан ташқари, хати ҳам чиройли бўлиши, сиёҳи тоза, асосан, қора тушь бўлиши, пероли ручка ўрнига,

қамишдан ясалган ручка ишлатиши мақсадға мувофиқдир.

Құләзмалар институти ҮзР ФА ШИ га құшилғач, құләзмалар институтидан келган тавсифчи ходимларга хаттотлик санъати билан шугулланиш таклиф қилинди ва улар тез орада бу санъатни әгаллаб, чиройли ёзадиган бўлдилар.

Картотека варақаларидағи сўзлар араб алифбоси билан ўзбек тилида ёзилган бўлиб, уларда асосан қуйидаги суралган маълумотлар ўз аксини топиши зарур:

1. Күләзмани<sup>“</sup>ашё рақами.
2. Китоб исми.
3. Муаллифи.
4. Ёзилган ери.
5. Ёзилган йили.
6. Кўчирувчиси.
7. Кўчириш йили.
8. Ўлчови (бичими).
9. Неча варақлиги.
10. Лавҳа ёки расм борлиги.
11. Сатрлар сони.
12. Қайси ёзувда эканлиги.
13. Тили.
14. Бошқа аломатлари.

Агар варақа китоб исмiga тузилса, унда варақанинг аввалида «китоб исми» деган сўз туради. Қуйидаги шундай варақанинг намунасини кўриб турибсиз:

Агар варақа муаллифга тузилган бўлса, варақанинг аввалида «Муаллиф» сўзи туради.

Қолган маълумотлар ўзгармайди, ўз ҳолича қолдирилади. Варақа тузувчилар варақага маълумотларни қайд этаёттаниларида асосан араб алифбосида ўзбекча жавоб қайтарадилар, баъзан айрим саволларга жавобни кирил ҳарфида ҳам ёзиб юборадилар. Масалан, ўлчовини, неча йўллигини, варақини ёки муаллифнинг туғилган йилини. Бизнингча, варақадаги саволлар араб алифбосида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Варақада асарнинг қулёзма эканини билдириш учун ўнг томондаги тик чизиқ ёнига «Р» ҳарфи ёзиб қўйилади. «Р» ҳарфи русча «Рукопись» сўзининг бош ҳарфи бўлиб, собиқ Иттифоқ даврида ҳаммага тушунарли бўлсин учун қабул қилинган. ЎзР ФА ШИ нинг фиҳристхонасидағи барча варақаларга шу ҳарф ёзилган. Мустақиллигимизни қўлга киритган ҳозирги пайтда варақаларга «Р» эмас, балки «Қ», яъни қўлёзма сўзиңинг биринчи ҳарфининг қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

«Манбашунослик ва тарих ўқитиши методикаси» кафедраси  
ўқитувчиси с.ф.н. доц.  
**А.А.Мадраимов**

## XIV-XVII аср Шарқ мўъжаз нафис расмлари – муҳим тарихий манба.

(ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик  
институти хазинасидағи расмлар мисолида)

Ўзбекистон тарихи манбаларида деганда албатта Шарқ нафис мўъжаз расм намуналарини ҳам назарда тутмоқ керак. Чунки, X-XIX асрлар давомида турли маданият марказлари Богдод, Самарқанд, Бухоро, Табриз, Широз, Хирот, Деҳли, Қўқон каби шаҳарларда яратилган, асосан ноёб қўлёзма китобларни безаш, зийнатлаш ва маҳсус мураққа – альбомлар учун яратилган нафис – мўъжаз расм обидалари ўз даври маданияти, бадиий диди ва билим самараси сифатида қимматлидир.

Ушбу нодир расмларда ўша давр, яъни расм яратилган замон кишилари, қиёфалари, кийим-кечаги, турмуштарзи, урф-одатлари, рўзгор-анжомлари, табиати, ҳайвоноти, набоботи, паррандалари, ҳарбий ва меҳнат қуроллари, мусиқа асблори, иморатлари ёрқин бўёқларда тасвирланган бўлиб, биз уларни нафис – мўъжаз тасвирий санъат қомуси деб айтишимиз мумкин. Мана шундай нодир, нафис, мўъжаз расмлар йирик мажмуси бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзма фондида сақланмоқда. Мазкур хазинада юздан зиёд расмли мўътабар қулёзмалар ва қўплаб алоҳида расм ва хат намуналари мавжуд бўлиб, улар бадиий Э.М.Исмоилова, Ш.М.Мусаве ва ушбу сатрлар автори томонидан икки жилдда тавсифга олинган. Уларнинг ярми, биринчи жилдда XIV-XVII асрларга оид қўлёзма ва расмлар илмий тавсифга олинган.

Ушбу мақолани ёзищда ана ўша тавсиф-каталог асос қила олинда XIX-XUШ асрларда яратилган нафис мўъжаз расмлар Узбекистон тарихи қайси жиҳатларини ўрганишдаги аҳамияти борлигини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Албатта, биздан аввал олимлар ушбу расмларни XIX аср охиридан бошлаб маданият ва санъат обидаси сифатида қатор салмоқли тадқиқотлар олиб борганлар. Тошкентдаги расмларни А.А. Семёнов, Г.А.Пугаченкова, Н.Норқулов, Х.Сулаймонов, О.Усманов ва бошқалар ўрганишиб, айримларини нағмуналарини чоп этиб тадқиқ этганлар. Кўпгина расмли қўлёзмалар тавсифи 11 жилдлик «Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана» («Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари мажмуаси») номли каталогда (1952-1987) чоп этилган.

Биздан аввал айрим тадқиқотчилар жумладан, Р.Г.Мукминова, О.И. Галеркина, З.И.Рахимовалар расмлардан ҳунармандчилик, моддий ёдгорликлар ва кийим-кечакларни ўрганишда баъзи расмли қўлёзма ва алоҳида расмлардан фойдаланганлар. Бундан ташқари Б.Ахмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбаалари» (Тошкент, «Ўқитувчи» 1991 йил.) ва Т.С.Сайдқуловнинг «Ўрта Осиё тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 йил.) асарларига бир нечта (5 ва 15 та) илова қилинган. Аммо расмлар алоҳида олиб ўрганилмаган. Сўнгги пайтда чоп этилаёттан ўрта мактаб учун 7 ва 8 синфлар дарсликларида ушбу расмлардан фойдаланишга интилиш сезилмоқда. Лекин шу пайтгача, ушбу нафис мўъжаз расмлар тарихий манба сифатидаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмаган эди.

Шарқшунослик институтида сақданаётган XIX-XUШ асрга оид қўлёзмалар асосан уч гурӯҳга бўлиниб, улардаги нафис мўъжаз расмларнинг тарихини ўрганишдаги қийматини белгилаш мумкин.

Биринчи гурух – тарихий асарлар расмлар қўлёзмалар бўлиб, улар Фазлулоҳ Рашидиiddиннинг «Жомиъ ут-таворих» («Тарихлар мажмуаси», рақами № 1620), Шарофииддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг икки ноёб қўлёзмалари (Т.Р. № 3440 ва 4472), Мулла Муҳаммад Шодийнинг «Фатҳномаи хоний» асари (Т.Р.№ 5369), Масъуд ибн Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний»(«Абулхайрхон тарихи»), (Т.Р.№ 9989), Абдулла Хотифийнинг «Зафарнома» (Т.Р. №2102), Жамол ал-Хусайнинийнинг «Равзат ул-ахбоб» (Т.Р.№ 2134), Камолиддин Хусайнинийнинг «Мажолис ул-ушшок» («Ошиқлар мажлиси ») Т.Р.№ 3476, 65 ), Абулфазл Алломийнинг «Оини Акбарий» (Т.Р.№ 1721), («Акбар қоидалари»), каби китобларга ишланган расмлардир. Ушбу тарихий асарлар ишланган расмларда биз ўтмишда ўтган хоқон, шоҳ ва ҳокимларни уларни тарихи, турмуш тарзи, олиб борган жадаллари, расмий қабуллари, дамолиши, зиёфатлари, турили шахмлар билан бўлган муаммолари тасвиранган. Лекин расмларнинг тарихий асар матнидан шу билан ажралиб турадики, матнида асосий қаҳрамон сиймоси улутганиб, таърифланиб, базан муболага, дабдаба ёки юксак бадиий савияда баён қилинса, расмда тарихий шароит ҳаётта яқин, ҳатто айнан баъзи ўринларда, айниқса жанг, ... маросимлари ҳатто, унда қатнашувчи, иштирок этувчилар сони камайтириб тасвиранади. Лекин, ҳаётий ашёлар, иморатлар, базм анжомлари, урф-одатлари тасвирида нафис мўъжаз расмлар жуда катта илмий тарихий аҳамиятга эгадир.

Тарихий асарлардан «Жомиъ ут-таворих» китобидаги жами унта расмларда юртимизда юз эллик йил (1220–1370) ҳукмронлик қилган сулола вакиллари Добун Баён, Бартан Баҳодир, Чингизхон ва унинг авлоди сиймолари яратилган бўлиб, ушбу расмларда улар ўз хотинлари билан тасвиранган.

Халқимиз тарихи ёрқин саҳифаси бўлмиш Темурийлар даврига оид тарихий асарлардан Шарафиiddin Али Йаздийнинг «Зафарнома» асарининг икки поёб нусхаси алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, 3440 тартиб рақамли қўлёзма ХУ аср биринчи яримида яратилганлиги , катта ўлчаш (35x49,5 см), ажойиб сулс хати ва китобдаги уч расм тархи- қораламаси билан алоҳида ажралиб туради. Икки расмда (40 б – 41 а вараглар) шаҳар иморатлар тасвири бўлса, учинчи (в 55 а) сида лашкарбоши раҳбарлигидаги улкан армия тасвирланниб, лашкарбоши ёки ҳоким ҳам композицион , ҳам турли атрибут, шаҳона соябон, байроқдорлар мавжудлиги билан ажаралиб туради. Йириқроқ тасвирланган шахс ёнида (Ҳазрати Амир Темур) деган ёзув бор. Демак, ушбу бадиий зийнатлари тутталамаган қўлёзмада Амир Темур ва унинг аскарлари жанг олдидағи тасвири билан алоҳида тарихий аҳамият касб этади.

«Зафарнома» нинг иккинчи қўлёзмаси ( р.т.н 4472 ) ўн етгинчи аср биринчи ярим (1629 ) да яратилган бўлиб, унда Самарқанддан ижод қилинган икки расм бўлиб, уларда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлик бўлган воқеалар тасвирланган. Албатта, Соҳибқирон, сиймоси мазкур расмларда тарихий ҳужжат бўлмасада, улут аждоднинг кейинги даврдаги бадиий талқин , яъни тасвирлардаги бадиий «Темурнома» дир.

Уму~~т~~ман, Амир Темур ва Темурийлар даври расмларда ўзининг бадиий аксини топган. Мана шундай расмларнинг иккитаси ХУ аср иккинчи яримидағи на~~т~~мунаси ХҮI асрда қайта яратилиб Қосимий Анвор номли йирик шоирнинг «Девони» ажойиб қўлёзмаси (т.р.н 2108) га ёпишириб қўйилган. Биринчи расмда (1000 вар) саройда таҳтда ўтирган ҳукмдор , унинг вазири ва икки мулоzим тасвирланган. Олти қиррали таҳтда Беҳзод яратган Султон Ҳусайн тасвирини эслатадиган сиймо расм

бўлиб , таҳтнинг ўнг томонида майда ҳарфлар билан «Амир Темур» эканлиги қайд қилинган. Иккинчи расмда (68 а) эса яна ўша шахс яйловдаги гилам устидаги таҳтда, атрофида ўнта сарой аёнлари турли ҳолатларда тасвиrlанган.

Ушбу расмлар институт хазинасида Амир Темур сиймоси ва фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги учун жуда қимматлидир.

Амир Темур ва унинг авлодлари даври хазинадаги «Калила ва Димна» (т.р. № 3480), Алишер Навоийнинг «Наводур ун-ниҳоя» (т.р.№ 1995), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг»Анвори Сухайлий» (т.р № 1995), ҳамда ахлокка оид «Ахлоқий Мухсиний» (т.р.№ 2116) каби асарлари расмларда ҳам тасвиrlанган бўлиб ўша замонида кишилари урф-одатларини ўрганиш учун ҳам муҳимдир.

Институт мажмуасидаги асарлардаги расмлар Шайбонийлар даври (1502-1506 й) кенг ва атрофлича ёритилган. Ушбу сулола ҳарбий соҳадаги мувафақиятлари билан Темурийларга teng келолмасада, улар замонида юртимиз ҳудудида сиёсий, иқтисодий ва маданий яхлитлик, бирлик мавжуд эди. Сиёсий соҳада Шайбонийлар Темурийлар рақиби бўлсада, маданий соҳада улар вориси ва меросхури бўлиб, ўша давр маданиятини ривожлантиришга аввалги давр асарлар мўътабар қўлёзмаларни қата кўчиртириб, уларга ажойиб нафис мўъжаз расмлар ишлатганлар.

Мана шундай асарлардан бири, шоир Абдулла Хотифийнинг «Зафарномаи Темурий» асари ноёб қўлёзмасидир.

Умуман, Шайбонийлар сиёсий даъволарини тарихий илдизларини кўрсатиш, асослаш, бутунги ҳалқимиз тарихи мукаммал ёритишишга, унинг ёрқин саҳифалари қайта тиклашга интилганлар. Мана шундай ҳаракат натижасида Масъуд бин Кўҳистоний «Тарихи Абулхайрхоний» асари

яратилиб, унда хусусан, юртимизнинг қадимги тарихидан Шайбонийларгача бўлган даври баён этилиб, асарга ишланган 28 расмда Искандар ва Доро жангиги, (65 б в) қадимги подшоҳлар Ардашер, Жопур, Баҳром Ширда тарихи, (69а, - 696, 72а, 766, 836, 91а варақалар) газнавийлар, салжуқийлар, чингизийлар, темурийлар намоёндалари тасвирланиб, сўнгра шайбонийлар аждоди Абулхайрхонгача расмларда акс эттирилган. Ушбу расмларда барча тарихий шахслар номлари ҳар хил бўлсада, бир хил ишлашда, кўринишда тасвирланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу расмлардан иккитасида ҳалқимиз буюк ўғлони Султон Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлиги акс эттирилган.

Масалан, 138а варақадаги расмда Чингизхон Султон Жалолиддинни шахсан ўзи асир қилмоқчи бўлиб, катта қўшин билан уни дарё ёнида ўраб олади. Қаҳрамонларча жанг қилган Султон Жалолиддин маглубиятта учраса-да, рақиб қўшинини ёриб чиқиб, дарёдан согомон қутилиб ўтади. Шунда ҳам баҳодир душманга қаратса «Ҳали мен сизларга ўзимни кимлигимни кўрсатаман,-» деб қасам ичади. Жаҳонгир Чингизхон Султон Жалолиддин фидойилиги ва мардоналигига қойил қолиб, «Бундай ўғилнинг отаси баҳтиёрдир», -деган. Мана шу жуда таъсирчан XVI асрдаги рассом томонидан юксак маҳорат билан тасвирланган.

Иккинчи расм 139б Султон Жалолиддиннинг олиб борган жангларининг бирига багишиланган.

Шайбонийлар даврида яратилган Амир Темур тарихига багишиланган яна бир асар шоир Абдулла Хотифийнинг форс тилидаги достонидир. Ушбу достоннинг XVI аср иккинчи ярмида, аниқроғи, 976 ҳижрий, милодий 1568 йили машҳур хаттот Али Ризо Котиб кўчирган мўътабар қўллэзмасидир. Ушбу қўллэзма ичига Соҳибқирон фаолияти билан баглиқ З қўш расм жойлаштирилган. Рақсларнинг икки жуфтида жанг

манзаралари тасвирланган бўлса, охирги жуфт расмда расмий қабул ва зиёфат акс эттирилган.

Тарихдан маълумки, Амир Темур жангут жадалдан фориг бўлган вақтларда зиёфатлар уюштирарди ёки ободончилик фаолияти билан машгул бўларди. Ушбу расм ҳам Темур даври маданий тараққиёт намойишига ишорадир.

Умуман, Амир Темур ва темурийлар даври кейинги сулолар учун ҳам юксак намуна сифатида хизмат қилган. Ана шунинг учун ҳам 1032 ҳижрий, 1629 милодий йили Самарқандда Шарафиiddин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари ноёб намунаси яратилди. Ушбу мўътабар қўлёзма асар матнининг 1970 йилги Тошкент факсимил нашри (нашрга тайёрловчи, сўз боши, изоҳлар А.Ўринбоевники) учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Қўлёзмада фақат ўн иккитагина расм бўлса ҳам, уларда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келиши ҳамда энг асосий сиёсий рақиблари Тўхтамиш, Боязид билан бўлган ҳал қилувчи жанглари базмлар тасвирланган. Қайд қилиш мумкинки, қайси давр, қайси сулола ҳоким бўлмасин, Амир Темур фаолияти ва темурийлар даври маданияти халқимиз учун доим қадрли бўлганлигини кўрсатади.

Халқимиз тарихида ислом дини асосида юзага келган тасаввуф ва унинг кубравия, нақшбандия, яссавия тариқатлари катта аҳамиятта эга бўлиб, йирик мутафаккирлар, шоирлар бирор бир йўналиш намояндаси бўлганлар. Одатда, йирик тасаввуф вакиллари – валий (Аллоҳга яқин шахс) ёки авлиёлар деб юритилиб, улар тўғрисида маҳсус тазкиралар яратилган. Мана шундай асарларнинг бири хиротлик Ҳусайн Камолиддин Гозургоҳий яратган “Мажолус ул-ушшоқ” (“Ошиқлар мажлиси”) асари бўлиб, муаллиф бу китобни Султон Ҳусайн Мирзога бағишилаб яраттан. Шунинг учун айрим

илмий адабиётларда бу китоб Султон Ҳусайн Мирзо қаламига мансуб, деб хато номланади.

Мазкур асар Захириддин Бобур томонидан салбий баҳолансада, XVII аср бошларида унинг бир нечта қўлёзма нусхалари расмлар билан безатилган. Тошкентда ушбу асарнинг иккита расмли қўлёзмалари мавжуд.

Ушбу асарда Одам атодан бошлаб ўтган ошиқлар, яъни Юсуф ва Зулайҳо, Имом Жаъфар Содиқдан то муаллиф замондошларидан Алишер Навоийгача бўлган йирик тасаввуф намоёндалари тўгрисида, уларнинг шогирдлари билан бўлган муносабатлари ёритилган. Улар қизиқарли тарзда оммабоп қилиб яратилгани учун ҳам асар рассомлар эътиборини қозонган. Хусусан, XVII аср бошларида яратилди. Қўлёзмага 50 та расмларда энг йирик мутафаккирлар, улар ҳаётдаги ибратли воқеалар учун мавзу қилиб, танлаб олинган. Айниқса, шахмат, чавган ўйинлари, паҳлавонлар курашлари, дарвешлар, турли ҳунармандлар тасвири ушбу асарга ҳам тасвиirlанган қаҳрамон шахсига эътиборни тортиши билан унда майиший тафсилотлар расмга бир обида, манба сифатида моддий ёдгорликлар, урф-одатларни ўрганишда катта аҳамиятта эга бўлади.

“Мажолис ул-ушшоқ” асари таъсири кейинча XVIII-XIX асрларда Фарииддин атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарининг расмли қўлёзмалари яратилишига олиб келади.

Биз кўриб чиққан асарлар соғ тарихий мазмунга эга бўлса, қатор бадиий асарлар, хусусан Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» Низомий, Ганжавий, Амир Хусрав (т.р.№1811) Дехлавий «Хамса» достонларида ҳам тарихий (т.р.№6267, 662, 3317) шахслар бадиий образлар учун асос бўлган ва уларга багишланган жуда кўп расмлар яратилган бўлиб, биз улардан халқимиз қадимий тарихини маълум даражада кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Булардан ташқари, казинада доришуносликка оид «Иҳтиёроти бадиий» (т.р.№ 1598) Али бин Ҳусайнининг

асарлари нодир қўлёзмаси мавжуд. Ундаги олтиюз иккита расмда доривор ўсимликлар, дараҳтлар, жониворлар қушлар, маъданлар расми билан бир қаторда дори тайёрлаш жарайёнлари ҳам тасвиrlанганки, улар Хуї асрдаги Мовароуннахрда илм-фан, хусусан табобат, доришунослик юксак даражада тараққиёт эттанини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, бутун кунда Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақданаётган XIV-XVII асрларда яратилган 1300 расм Ўзбекистон тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб, асосан уларни илмий қиймати бўйича

1. Тарихий асарлар расмлари, Жомиъ ут-тавози «Зафарнома» тарихи
2. Тарихий шахслар тасвиrlанган бадиий асарлар «Шоҳнома», «Ҳамса» достонлари ва бошқалар.
3. Соғ илмий асарлар – «Ихтиёrotи бадиий», «Китоби фурснома» («Отлар ҳақида китоб» т.р. № 471/1) «Шикорнома» (т.р. № 471/2) ва бошқалар.

Ушбу расмлар талабаларга тарихий манбаларни ўргатиш ва мактабларда Ўзбекистон тарихи дарсини ўтишда қимматли манба ва кўргазмали қурол бўлиши мумкин. Ушбу расмларни алоҳида ўрганиб, ажратиб, алоҳида терма альбоми ёки «Ватан тарихи Расмларида» деб номлаб сайланма чиқарилса, педагогларга катта ёрдам бўлган бўлар эди.

1. Ушбу мажуадаги расмлар қўйидаги нашрларда сифатли чоп қилинган бўлиб, улардан кўргазмалу қурол сифатида фойдаланиш мумкин:  
А) Шарқ миниатюраси. Уз РFA Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

тузувчилар Э.М. Исмоилова, Е.А.Полякова,  
Тошкент, Ғафур Гулом номидаги „Адабиёт ва  
санъат“ нашриёти, 1980 йил.

Б) Пугаченкова О. Галеркина О.Миниатюры  
Средней Азии. М, «Изобразительное искусство» ,  
1979.

В) Полякова Е.А, Раҳимова З.И, Шарқ миниатюраси  
ва адабиёти. Тошкент, Ғафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат“нашриёти, 1987 .

С.Гуломов

МУНШОАТ МАЖМУАЛАРИДА АМИР ТЕМУР  
ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД ЁЗИШМАЛАР МУХИМ  
МАНБА СИФАТИДА.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ёритувчи асарлар талайгина. Бизнинг давргача етиб келган мавзубахс асарларнинг батъзилари ҳали Соҳибқирон ҳаётлик даврида битилган бўлса, аксариятигининг ёзилиш тарихи кейинги даврларга оид. Темурийлар саройи муаррихларидан Низомиддин Шомий, Муъниддин Натанзий, Хофизи Абру, Шарофуддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳларнинг асарлари, Гиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандийларнинг сафарномалари мазкур давр тарихини ёритишда асосий манба вазифасини ўтгайди. Булардан ташқари яна бир турдаги манбалар мавжудки, улар Ишо, Муншоат деб юритилади. Юқорида номлари тилга олинган асарларнинг деярли барчасида Амир Темур ва темурий шаҳзодалар саройидан турли мамлакатларга йўлланган элчилар ва бу злечилар воситасида олиб борилган дипломатик ёзишмалар ёки турли мамлакатларга йўналган галаба ҳақида хабарнома ва фатҳномалар борасида кўплаб маълумотлар учрайди. Лекин уларнинг (яъни мактублар ва фатҳномомаларнинг) матни манбада доимо ҳам хавола этилмайди, батъзи ҳолларда муаллифларнинг қисқа мазмунини баён этиши билан чекланганлигини кўриш мумкин. Айнан муншоат тўпламларида ана шу мактуб ва ёргулар матнларининг ахтариш лозим. Аралар орасида муншоатлар асосан, икки кўринишда учрайди. Бири мактуб йўланаётган шахс (адрес) нинг лавозими рутбасига кўра, одатан риоя этилиши

қабул қилингандан лақаб, унвон ва мурожаат услуби кабиларни ўз ичига олган. Мактубларнинг фақат шакли аниқроги намуналаридан иборат иншо тўпламлари, иккинчиси сарой канцеляриясидаги хатларнинг нусхаси. Мақсадимиз муншаот тўпламларининг тарихий манба сифатида аҳамиятини ёритиш бўлганилиги учун иккинчи турдаги муншаотлар устида тўхтalamиз.

Муншаот мажмуалари дунёning турли қўлёзма заҳираларида кўплаб топилади. Лекин муайян иншо мажмуалари устида олиб борилаган баъзи тадқиқотлардан ташқари ҳали ҳануз улар устида комплекс, фундаментал тадқиқотлар олиб борилганича йўқ.

Албатта мазкур мажмуаларнинг жомеълари (яъни жамловчилари) асосан ўз ҳукмдорлари ва бу ҳукмдор мансуб бўлган сулола билан bogliқ барча нома-мактубларни бир ерга жамлашни мақсад қилиб қўйганлар. Лекин илк тадқиқотларнинг ўзи ҳам шуни кўрсатадики, улар бу принципга доимо риоя қиласкермаганлар. Чунки аксарият муншаот мажмуаларида турли давлатлар ҳукмдорлари-ю, даврнинг машҳур шахсларининг ўзаро олиб борган ёзишмалари ҳам ўрин олганлигини кузатиш мумкин.

Амир Темур ва темурийлар тарихига алоқадор яна бир муҳим манба, Сафовийлар сулоласи ҳукмдорларидан шоҳ Сафи (1629/1642) ҳукмронлиги даврида яратилган Ҳайдар Ивогли "муншаоти"дир. Жомеъ ўз мажмуаси учун сафовий ҳукмдорларнинг мактубларини жамлашга ҳаракат қилган бўлсада, унда салжуқий сultonлари, Амир Темур ва темурийлар ва бошқа бир қанча шоҳ, сultonлар номидан турли манзилларга йўналган қўпгина мактубларнинг нусхалари ўрин олган.

Эронда Нодиршоҳ Афшор (1736/1747) саройида мунши лавозимида бўлган Мирзо Маҳдиҳон Астрабодий томонидан ҳам катта муншаот тўплами тартиб этилган. Амир Темур билан усмонийлар сultonни Боязид Йилдирим ораларида макотиба ҳам мазкур тўпламдан ўрин олган. Таъкиддаб ўтиш лозимки, ушбу тўплам жуда кўп нусхада кўчирилган кўринида, чунки биргина Берлин давлати кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари бўлимида унинг учта нусхаси сақланади.

Мазкур муншаот мажмуаларида ташқари, дунёning турли қўлёзма фондларида мактублар мажмуалари кўплаб топилади ва уларнинг баъзиларида биз юқорида номларини тилга олган ёки бошқа ҳеч бир мажмуаларида учрамайдиган мактубларнинг нодир нусхалари ҳам учраши мумкин. Мисол тариқасида Берлин кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари бўлимида сақланадиган бир муншаот мажмуасини келтириш мумкин.

Муншаот, аниқроги тўпламларидағи Амир Темур ва темурийлар даврига оид ёзишмалар мазкур давр тарихига оид муҳим манба вазифасини ўтайди. Зоро уларда Амир Темурнинг чегарадош давлатларидан тортиб, олис мамлакатлар хукмдорлари, ўша даврнинг машҳур шахслари билан ёзишмалар ўрин олган. Соҳибқироннинг айрим Оврўпа қироллари, Миср мамлукалари, усмонийлар, музafferийлар, қора қуюнлилар, жалорийлар билан ёзма мулоқотлари, шунингдек, Амир Темурга билвосита алоқадор бўлган ёзишмалар, аниқроги унинг сиёсати таъсирида ўзаро тил биритирган хукмдорлар ораларида ёзишмалар мавжудки, улар билан танишар эканмиз

кўзўнгимиизда ўша давр сиёсий тарихининг манзараси намоён бўлади. Ёзишмалар шу даражада катта ҳудудий кенгликларни қамраб оладики, Темур давлати ташқи алоқаларининг масштаби қанчалар кенг бўлганлигини тъасаввур этиш мумкин бўлади.

Хўкмдорлар номидан йўлланган мактублар ҳақида тарихий асарларда кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Амир Темур хатлари ва ёриқлари ҳақида ҳам кўпгина асарларда жуда қисқа бўлсада, лекин маълумотлар мавжуд. Аксарият ҳолларда мактуб йўлланган ва кимга қарата йўллангани қайд этиб кетилган. Муншаотлардан ўрин олган номалар катта тарихий асарларни ҳам такмил эта олиши мумкинлигини тасдиқловчи қуйидаги мисолларни келтиришни лозим тоғдик:

Амир Темур тарихига оид манбаларда Анқара муҳорабасидан сўнг турли мамлакатларга галаб ҳақидаги хабарлар юборилгани ҳақида айтиб ўтилган. Али Яздий Зафарномасида бу масала бироз кенгроқ қайд этилган. Муаллиф фатҳнома айнан қайси мамлакатларга ва шу мамлакатлар хўкмдорларининг исмларини кўрсатган ҳолда таъкидлаб ўтади. Лекин галаба ҳақидаги хабарноманинг матнини келтирмайди. Аслида мазкур манбаларда биз юқорида тилга олган Самарқандга йўлланган фатҳнома ҳақида сўз бормоқда.

Амир Темурнинг ҳиндистон сафаридан қайтиш чогида фатҳномалар йўлланганлиги ҳақида ҳам манбаларда маълумотлар бор. Хусусан, Гиёсиiddин Алининг асарида ҳам бу воқеа батафсил қайд этилган. Муншаот тўпламларида ана шу фатҳнома матнининг нусхаси ҳам ўрин олган.

Тарихий асарлардан маълумки, Амир Темур ва Бағдод ҳокими Аҳмад Жалойирий ораларида кучли низо чиқади. Кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган Ибн

Арабшоқ ўз асарида шу кезлари Амир Темур Аҳмад Жалойирийга мактуб йўллангани, Аҳмад Жалойир эса ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб йўналгани ва жавоб хатида икки мисра ҳажв ҳам битилганини ёзади ва шу иккى мисрани келтиради. Мана шу ёзишманинг тўла матни нусхаси Ҳайдар Ивогли муншаотидан ўрин олган. Бунинг каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муншаот тўпламларида жам бўлган мактубларнинг аҳамиятли томони яна шундаки, улар сарой девонхоналаридаги асл ҳужжатлардан кўчирилаётган нусхалардир.

ЎзР ФА ШИ катта  
илемий ходими, т.ф.н.  
Остонова Г.Ю.

*Қушбеги архиви – Ўзбекистон  
тариҳини ўрганишда муҳим манба (XIX –  
XX аср бошлари).*

Ўтмиш авлодлардан қолган тарихий ёзма манбалар қаторидан ҳақли равишда кенг ўрин олган тарихий ҳужжатлар республикамиз архивлари, музей ва кутубхоналар, илмгоҳ ва олийгоҳлардаги қўлёзма фонdlарида сақланмоқда. Шулардан бири жумҳурияти мизнинг бош Марказий Давлат Архивида Бухоро амирлигига қарашли «Қушбеги Архиви» фондига тегишли ҳужжатлар бўлиб, унинг асосий қисми XIX - XX аср бошларига доир даврни қамраб олади ва улардаги маълумотлар, асосан, Бухоро амирлиги тарихига ўддири. Қушбеги архиви Хива ва Қўқон хонлиги архиви очилгунга қадар «Ўрта Осиё хонликларида ҳеч қандай архив бўлмаган», -деган даъволарга ўрин қолмади. Бу архивларнинг 1930 йилдан кейин бирин-кетин очилиши натижасида нафақат Бухоро амирлигидан, балки Ўрта Осиё минтақаларида хонликларда XIX-XX аср бошларидаги давлатчилик тарихига оид қимматли ёзма манбалар вужудга келди. Қўлёзма асарлардаги маълумотларни ҳужжатлардаги маълумотлар тўлдириш, айрим соҳаларни қайта кўриб чиқиши имкониятлари ҳам туғилди.

1931 йилда Бухоро музейи ходимлари томонидан Арк ертўласидан топилган «Қушбеги архиви» 1933 йилда Тошкентта Республика Марказий Архивига жўнатилган. 1964 ва 1968 йилларда шу

хужжатларни қисқа илмий тавсиф китоблари құлөзма шаклида тузилған.

Шундан сүнг архив ҳақидағи маълумотлар шарқшунос тарихчилар учун бир хазина қалити вазифасини ўта бошлади. Натижада нафақат республикамиз олимлари, балки құшни давлатлар тадқиқотчилари томонидан асосан аграр масалаларга оид бир қатор илмий асарлар яратылды.

ХХ асрнинг 70 - 80 йилларида ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилди, аммо бу туркүмдеги тадқиқотлар ҳам асосан аграр муносабатларга бағишиланған диссертация ва илмий мақолалар бўлиб, фақаттана А.Мұхаммаджонов сув масалалари, иншоатлар қурилмасига доир 1200 та «Құшбеки архиви» асосида илмий тадқиқотлар олиб борди ва шу соҳага бағишилаб асарлар эълон қилди.

Аммо ҳали бу бебаҳо хазинадаги 90 % кўпроқ тарихий ҳужжатлар илмий муомалага киритишга муҳтож. «Құшбеки архиви»нинг охирги тавсиф китобига кўра фонддаги манбалар 2656 папкага жойлаштирилиб, ҳужжатларининг умумий сони юз мингдан ортиқ ва улар мазмунига қараб ўн бир гуруҳга ажратилган: маъмурий, сиёсий, ташқи алоқалар, иқтисодий, суд, ҳарбий, маданият ва урф - одат, соглиқни сақлаш, оқартув ва дин, турли масалалар ҳамда дафтар ва журналлар бўлими тартиб рақамлари билан келтирилган.

Биринчи гуруҳдаги ҳужжатлар 9 мингга яйн 238 папкага жойлаштирилган, Бухоро давлат тизими, маъмурий бўлиниши, XIX ва XX асрбошларида фаолият кўрсаттан идора ва мансаблар кўрсаткичлари, назорат - бошқарув усусларини қамраб олган маълумотлардан иборат.

Иккинчи бўлимдаги манбалар 504 та папкада ўн уч ярим мингга яқин ҳужжатлар мажмуудан

иборат. Бу гурухдаги маълумотлар асосан мамлакатни ташқи ва ички сиёсий аҳволига доир масалаларни ва шу соҳа атрофидағи ҳаётий жабҳаларни қамраб, уларни тарихий ечимиға асосий фактик материаллардан иборат.

Учинчи бўлим ташқи дипломатик муносабатларни аксэttiруvчи ўн икки мингдан ортиқ ҳужжатларни ташкил этиб, улар 307 та папкада жойлаштирилган. Бунда асосан Бухоро - Россия муносабатлари, давлатлар аро шартномалар, четдан кўплаб муҳожирларни амирликка кирибкелиши, жойлашиши катта мансабдаги рус ҳарбийлари, мансабдорлари, амалдорлари, ишбилармонларининг бу ердаги фаолияти, транзит савдо карвонлари, темир йўл ва телеграф қурилиши билан боғлиқ молиявий ва жисмоний ёрдам масалалари, мардикорликка олиши, катта ер майдонларини Россиялик шахслар томонидан турли, чегара масалалари, рус ҳарбий қўшинларини Бухоро амирлигида жойлаштириш каби ташқи алоқалар билан боғлиқ масалалар акс эттируvчи материалларни ташкил этади.

Тўртинчи бўлимдаги ҳужжатлар асосан Бухоро давлатининг XIX-XX аср бошларидағи иқтисодий-молиявий ҳаётини қамраб олади ва шу билан боғлиқ завод-фабрикалар, божхоналар, ер-сув эгалиги билан боғлиқ солиқ тизимлари, қишлоқ ҳужжалиги муносабатлар, чорвачилик, ҳунармандчилик масалалари аксэttiруvчи йигирма етти мингдан ортиқ ҳужжатлар 854 папкада жамланган.

Бешинчи бўлимдаги суд маҳкамаси ишларига доир қозихоналарда битилган васиқалар, хатлар, вақфномалар, шажаралар, чеклар, ривоятлар саккиз ярим мингга яқин ёзма манбалар, XIX - XX аср бошларидағи Бухоро давлат бошқарувидағи аддия ва юрисиденция аҳволи ҳақидағи аниқ маълумотларни,

бошқарув системаси тарихини ўрганиш учун асосий даиллардир.

Энг кичик бўлимни ташкил этган соглиқни сақлаш билан bogliq материаллар гуруҳи 256 та хужжатлардан иборат бўлиб, улар 25 та папкадан ўрин олган. Бундаги материаллар 1809 - 1918 йиллар орасидаги Бухоро давлати териториясида вақти - вақти билан тарқалган вабо ва ўлатлар, табиий оғатлар: ер зилзилари, сув тошқинлари, ёнгинлар каби ноҳушиклар ва уларга қарши давлат томонидан кўрилган чора - тадбирлар билан bogliq масалалар ўз ифодасини топган.

Еттинчи бўлимга Наврӯз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари билан bogliq, «Гул - и сурҳ» номи билан ўтказилган халқ сайллари, 1915 йилда амирликнинг Абу Лайс мавзейидан топилган археологик топилмалар: танга ва безаклар; Бухоро амирлари томонидан рус ҳарбийларига, жойлардан марказга жўнатилган турли хил аризалардан ташкил топсан олти мингга яқин фактик маълумотномалар 135 та папкадан ўрин олган ва «Маданият бўлими» гуруҳини ташкил этади.

«Маориф ва дин» гуруҳига мансуб бўлимдати беш мингта яқин ҳужжатлар 87 папкадан ўрин олиб, уларда асосан мамлакатдаги мактаб, мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳлар иши билан bogliq барча масалалар ўрин олган.

«Турли ҳужжатлар» бўлимидаги ҳужжатлар бизнинг фикримизча, кейинги 30 - 50 йил давомида янги тўпланган ва фондга киритилган 745 ҳужжатлардан иборат 72 та папкани ташкил этади. Бундаги манбалар ўзидан олдинги 9 та гуруҳга мансуб масалаларни ўзида ифодалайди. Булар асосан 1881-1918 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, турли тадбир-чоралар хусусиададир.

Янгиликлари 1885-1916 йиллар давомида Бухоронинг Амударё флотилиясининг иш режими, кемалар қатнови, балиқ овини, товуслар овини таъқиқловчи буйруқ - фармойишлар; Ашхабод-Самарқанд темир йўли поездиқатнови амирликда чиқсан ва тарқатилган газета ва журналларнинг турли сонлари, Бухорода яшовчи зардўзлар, усталар, давлат ҳаммолари, давлат хазинасидағи турли ашёлар рўйхати ҳам шу бўлимдан ўрин олган.

Шундай қилиб, Бухоро амирлиги «Қушбеги маҳкамаси архиви» фондини ташкил этган ҳужжатлар XIX - XX аср бошларида Бухоро давлатининг қомусий ҳужжатлар мажмуаси деб атаса бўлади. Улардаги ёзма манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш ҳозирги Ўзбекистон тарихини тайёрловчилар учун шубҳасиз зарур дебҳисоблаймиз. Ўтмиш тарихимизни ёзилмай қолган зарварақлари ҳали бисёр, шунинг учун ҳам бу хазинадаги ёзма манбалар, ҳужжатлар, хабар ва воқеиликларни тўгри талқин этишда, тадқиқотчилар учун ниҳоятда зарур, ҳамда бу архив ҳужжатлари тезроқ илмий муомалага киритишга муҳтоҷ деб биламиз.

Мирзо Улугбек номидаги ЎзР МУ  
Ўз ФА Абу Райхон Беруний номидаги ШИ

Мукамбар  
Мамажонова

*Манбашунослик дарсларида тарихий  
шахсларни ўрганиш*

Ўзбекистон тарихининг маълум давр ва соҳаларини ёритишида ёзма мерос муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Минг йиллик тарихга эга мазкур меросда халқимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти акс этган. Темурийлар даври тарихидан сўзловчи диққатга сазовор манбалардан бири 15 асрда яшаб ижод этган тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайин ва Мажмаи Баҳрайн» /« Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши»/ номли асардир.

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий 816 милодий 1413 йилда Ҳиротда таваллуд топган, Шоҳруҳмирзонинг саройида хизмат қилган, жанубий Ҳиндистоннинг Калиута ва Вижаянагар давлатларига элчи бўлиб бориб келган Муаллиф бу асарни 872 (1467-1468) йилларда ёзишни бошлаб 874 (1469-1470) тутатган.

Биз фойдаланаётган ушбу манба «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн »асарининг форсчадан ўзбек тилига ўтирилган иккинчи жилдидан биринчи қисмидир.

Мазкур манба 807-832 (1405-1429) йиллар воқеаларини ўз ичига қамраб олган. Унда

мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт билан бир қаторда маъмурий жиҳозлар, ҳарбий вакиллар ва фан маданият арбоблари ҳақидаги тарихий воқеалар акс эттирилган.

Асарнинг иккинчи жилдида эса маъмурий ҳукумдорлардан Шоҳруҳ Мирзонинг тахтга ўтиришидан бошлаб то вафотигача, сўнгра Ҳирот тахтини бошқарган Абулқосим Бобур (1425-1457), Абусаид Мирзо (1451-1469) ҳамда Ҳусайн Байқаронинг иккинчи марта (1470) Ҳирот тахтига ўтириш воқеалари баён қилинган. Булардан ташқари Ҳалил Султон, Бойсунгур Мирзо, Иброҳим Султон, Муҳаммад Жугий Мирзо каби қатор шаҳзодалар билан бўлган воқеалар ҳам акс этган. Ҳусусан, подшоҳ ва олим Мирзо Улугбек ҳақида муҳим маълумотлар бор. Асада Улугбекнинг 15 ёшида Мавороунахрнинг ҳокими этиб тайинлашидан тортиб то Абдулатиф томонидан фожиявий ўлдирилишигача бўлган барча воқеалар баён этилган. Ушбу воқеалар; «Мирзо Улугбекнинг Аңдхуд ва Шибиргон томон жўнаганлиги зикри ва Хурсоңда кечган воқеалар давомининг шарҳи», Мавороунахр Туркистон мамлакатини салтанати ва баҳт осмонининг ойи Мирзо Улугбек кўрагонган иноят қилинганилиги зикри каби 8 та сарлавҳада берилган.

Мазкур кичик тадқиқотимизда юқорида номлари зикр этилган тарихий шахслар ичида Султон Бойсунгор Мирзога оид бўлган фикр мулоҳазаларимизни тарихий манбааларга суюнган ҳолда баён этишни ихтиёр этдик.

Маълумки Бойсунгор Мирзо Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1397 йили тугилган. «Матлай Саъдайин»да қайд этилишича мазкур шаҳзода анча ўқимишли киши бўлган. Унинг 1914-1916йилларда Мозандарон, Астраобод ва Журжон

вилоятларида ҳукумдорлик қилган даврида саройга олиму-фузало ва шоирларни йигиб анжуманлар ўтказиб турғанлиги, шаҳзоданинг ўзи ҳам гўзал газаллар битганлиги, унинг саъий ҳаракати билан хаттотлар томонидан Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарининг 40 га яқин қўлёзмалари солиштирилиб «Бойсунгур сўзбошиси» муқаддимаси или мукаммал матн тузилганлиги маълум. Жумладан бу ҳақда: «Мирзо Бойсунгар гўзал хислатларининг олийлиги ва салтанат қувватининг кучлилиги билан замона тождорлари важамшид қудратли тахтни шинларга нисбатан тожмисоли юқори турадиган, баландхимматли қадами билан фарқат юлдузлари тепасини /ўзи ўтирган/ тахтдек тагига босган бир подшоҳ эди» - деб ёзди Абдураззоқ Самарқандий<sup>1</sup>.

Унинг китобат санъати бобида кўрсатган жонбозлиги ҳақида мазкур асарда шундай ёзилган: «Мирзо Бойсунгор турли - туман ҳунарманлар ва санъат ахилларини шундай тарбият қилдики, уларнинг ҳар бири замон яктоси ва даврон ягонаси бўлиб етишдилар. У Мавлоно Маъруф Хаттотий Багдодийнинг шогирди Мавлоно Шамсуддин ал-Ҳеравийнинг яхши тарбият билан шу даражага етказдики у ўзининг хатларидан аксарини «Қиблат ул куттоб» - «Котиблар қибласи» Ёқут ал Мустаъсимий номи билан ёзди ва жаҳон зийраклари уларнинг Ёқутнинг хати деб қабул қилдилар, шунингдек, Мавлоно Жаъфар Табризий ҳам турли хил хат услублари, айниқса насху таълиқ хатини ёзишда 2-хожа Мирали эди. Мавлоно Жаъфарнинг шогирдлари: Мавлоно Заҳиридин Асқар, мавлоно Шаҳобиддин Абдуллоҳ ва мавлоно Жалолиддин Шайх Маҳмудлар бутунги кунда асрнинг

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи Садайин ва Мажмаи Баҳрайн» II жилд, II қисм. 837 (1433 – 1434 ийл воеалари)

беназиридиirlар ва ҳеч муболагасис бу жамоат элимда ва хутути сигта «етти» хатни ишлатища, мисра, Ибн Муқла, шу куннинг Сайрафийси ва замона Еқутидиirlар хамда у руҳоний малакани соғ ҳиммат ва тұла жиddy жаҳд билан имкон даражаларининг эңг юқори погонасига етказғанлар. Шунингдек улар қалам юритиш ва рақам тортиш санъатининг қолған қисмлари: тасвир чизиш, зархал бериш. Ва буларнинг бошқа шұтба ва шахобчаларини ниҳоятда илгари суриб олий даражада ўтқаздилар. Мұқова қилиш ва бошқа накіш ҳам санъаткорликлар ишилар шу қадар нозик ва зебо әдіки, ўттан замонларда собиқ маликлар саъии ҳаракати билан жуда кам мұяссар бўлган.<sup>1</sup>

Салтанат тожининг қимматбаҳо дури, нозик табиятли шаҳзода баҳодир ва мард жангчи әди. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзихам оллоҳдан Бойсунгур Мирзодек мард, шижаатли, қобилиятли фарзанд ато этғанлигига шукроналар айтади. Шуниң учун ҳам Тус, Машҳади мұқаддас, Абиварт, Самолқон, Жалмагон ва Ёзир вилояти, бутун Мозондарон, Астробод, Шосмон, Кабуджомий ва Журжонга тегишли барча ерларни идора этиш учун унга тақдим этади.

Мазкур манбада 832 /1428 - 1429/ йил воқеалари баёнидаги «дабдабали мафкабнинг Салмос рүбарўсига келганлиги, Туркмон сипоҳи билан муҳораба ва туркманларнинг мағубиятта учраттанлиги зикри» да шаҳзоданинг туркманлар билан мардларча курашганлиги шундай тасвирланади: «/Мирзо Бойсунгур/ ҳар бир сарофрўзнинг бошига тиг урса белигача ёриб туширап, ҳар бир гарданкашнинг сийнасига найза етқазса орқасидан

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи Садайин ва Мажмаи Баҳрайн» II жилд, II қисм. 837 (1433 - 1434 йил воқеалари)

тешиб чиқар, гоҳо дилни яраловчи ўқ заҳри билан пиёдани ергаю, отлиқни эгарга ёпишириар, гоҳо эса тошни тешувчи ханжардами билан зирҳпушу сипардорни худди бодрингдек икки палла қилиб кесар эди» - деб ёзади<sup>2</sup>.

Бойсунгур фаолиятига оид илмий тадқиқот 1994 йил 12 - 16 октябрларда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига багишланган Халқаро илмий анжуманда Франциялик олим Ф. Бонпертюи - Брессан томонидан қилинган илмий маърузада ҳам акс этган. У, жумладан шундай дейди: «Улугбекнинг акаси Бойсунгур 1397 - 33 ҳам ажойиб хаттот бўлган, Истамбулдаги Тўпқапи сарой кутубхонасидағи сақланиб қолган альбомида унинг ўз қўллари билан ёзган кўплаб ишлари шундан далолат беради. 15 аср охирида пайдо бўлган нозик ва нафис настаълиқ кўплақ хаттотлари бўлган шаҳзодаларнинг хат тури эди»<sup>1</sup>.

Ушбу олимнинг қайд этишича, шаҳзода форсий шеъриятининг катта шайдоларидан бўлган, у чиройли сурати ва нафис рангларда ишланган/ҳозир Дублинда сақланаёттан/Саъдийнинг «Гулистон» /1426 - 27/, Хожа Кирмонийнинг «Хумоия Хумоюн», «Калила ва Димна» ларни /1427/ кучиртирган.

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи Садайин ва Мажмаи Баҳрайн» II жилд, II қисм. 837 (1433 - 1434 йил воқеалари)Ўз ФА Беруний номидаги ШИ Т., «Фан» нашриёти. 1969 й.

<sup>1</sup> Ф.Бонпертюи. Улугбек атрофидаги юлдузлар туркуми. / маъруза / Улугбек таваллудининг 600 йиллигига багишланган халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент - Самарқанд 12 - 16 октябр. «Фан» нашриёти 1994 й. С 215.

Шеърият шаҳзодалар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган эди. Тарихчи Давлатшоҳнинг ҳикоя илишича, Бойсунгур ва Улугбек Амир Хусрав Деҳлавий ва Низомийнинг «Ҳамса» ларини мисрама - мисра чогишириб, уларнинг маҳоратларини исботлашга соатлаб вақт сарфланар экан.

Бойсунгур Низомий ҳаёти ва фаолияти ҳақида биздаги мавжуд ўрта ва олий таълим масканларида ўқитиладиган тарихга оид ўқув предметлари ва дастурларига етарли даражада маълумотлар берилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги олий ваўрта ўқув юртлари талабалари учун қўлланма сифатида тавсия этилган. Ш. Каримов, Р.Шамсутдиновларнинг «Ватан тарихи»/ биринчи китоб, Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти, 1997 йил ҳажми 29 б.т/ қўлланмасида Темурийлар даври учун «Нафис китоб ва хаттотлар санъати номли маҳсус бўлим киритилган, бироқ унда Бойсунгур Мирзо умуман тилга олинмаган».

Олий ва ўрта ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун қўлланма сифатида чиқарилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» /1жилд, Т., «Фан», 1992, ҳажми 10 б.т/ китобида ҳам Бойсунгур Мирзо ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларнинг б синф тарих ўқитувчилари учун қўлланма сифатида тавсия этилган А.Р.Муҳаммаджоновнинг «Ўзбекистон тарихи»/ Тош., «Ўқитувчи», 1994/ китобининг «Китоб санъати қисмида» /372 саҳифа/Бойсунгур Мирзо ҳақида: ....Ҳиротда Улугбекнинг укаси Бойсунгур китоҳонасида 40 та хаттот ва бир қанча нақдошлар қўлёзма асарларидан нусха кўчириб ва уларни безаш билан банд бўлган.

Шарқдаги иккинчи Уйгониш даври ҳисобланган Төмүрийлар маданияти тарихида Бойсунур Мирзо ўзини салмоқли ўрнигаэга бўлган шахсадир. Унинг фаолияти асосида ташкил топган китобат санъати анъанавий тус олиб Алишер Навоий даврида Ҳиротдаги фан ва маданиятнинг ривожида муҳим аҳамият касб этди. Фикримизни мухтасар қилиб хулоса қилиш мумкинки, манбашунослик соҳасида тарихий шахслар ичida Бойсунгур Мирзо фаолияти етарлича ўрганилмаган, ваҳоланки у манбашунослик дарсларида эътибор қаратилиши лозим бўлган мавзудир.

## Бўриева Хайрия Илк манбаларда Тошкент шаҳри тобономияси.

Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти ва Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлардан, унинг ёши археологик материаллар ҳамда ёзма маълумотлар гувоҳлигига кўра икки минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Шу сабабдан шаҳар тобономияси анча қадимий манбаларда қайд этилган. Фанда мавжуд дастлабки тобономик маълумот шаҳар номи этимологияси билан борлиқ.

Қадимий Хитой солнномаларида Тошкент Хитойча Лоюени, Юни, Чже-ши, Чже-чжи, Чже-си ва Ши номлари билан тилга олинган. Милоддан аввалги 2 асрга оид хитой солнномасида ҳозирги Тошкентнинг бир қисмига тўғри келадиган ҳудуд Юни деб кўрсатилган; кейинроқ шу жой Чже-ши, Че-ши, Ши шаклларида ёзилгани ҳам маълум.

Ши, Чже-чжи ва Чже-ши, Ханъ сулоласи даври (милоддан аввалги 206 й.-мил. 25 й.) солнномаларида Даван (Фаргона)нинг шимолига чегарадош жой; унинг айланаси 1000 ли, ҳукмдори ши, қароргоҳи Чжеси шаҳрида жойлашган, одамлари моҳир жангчи; бедов отлари бопр, дейилган.

Милодий 3 асрга тегишли хитой солнномасида ҳам юқоридагиларни қисман қайтарувчи маълумот бор: «Ши ҳукмдор Яоша бўйида яшайди, Қароргоҳи айланасига 10 ли (3/4 км). Ҳукмдор ши деб аталади; исми Не.

Бу ерда бугдой ва арпа етиштирилади. Яхши отлар кўп. Одамлари моҳир жангчилар...».

Мазкур манбаларда ҳозирги Тошкентнинг ўрни Ши ҳудудига кирганлиги таъкидланган. «Ши» сўзини ифодаловчи хитойча белги (иероглиф) «тош» деган маънони англатади. Айни пайтда, шахарнинг сугдча «Чоч» деган номи ҳам «тош» маъносини билдиради. Демак, хитой манбаларда учрайдиган «ши» сўзи сугдча «чоч» атамасининг калькаси, дейиш мумкин.

«Чоч» топоними ёзма шаклда илк бор сосоний подшоҳ Шопур 1 нинг фармонига кўра, «Зардуңт<sup>к</sup>атъбаси»га (милодий 262 йил) битилган ёзувларда учрайди ва у вилоят номини англатган.

«Чоч» ёзуви 3-5 асрларга оид сутд тангаларида ҳам зарб этилган.

Шунингдек, илк ўрта асрлар тангалари, кумуш идиш ва Фатуфарнинг Диваштичга ёзган хатида ҳам «Чоч» топономи учрайди. 10-11 асрлар форсий ёзма манбаларида ҳам шаҳар номи «Чоч» шаклида берилган. Масалан, 983 йилда ёзилган «Худуд-ул-олам» номли форсий асарда Чоч катта вилоят, пойтахти Бинкат ва подшоҳининг қароргоҳи шу шаҳарда эканлиги қайд этилаган. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридағи «Сиёвушнинг Афросиёб билан аҳд паймон қилгани» номли қисссасида шундай сатрлар бор:

Бухорою, Суғд, Самарқанду Чоч,  
Сажжоб ерларини бўшатиб қийгоч,  
Қўшинин Канг томон сурарди шитоб,  
Паймонига содиқ шоҳ Афросиёб.

«Чоч» Тошкент шаҳри тарихидаги илк топоним бўлиб, бутунги кунгача етиб келган ва қадимги шаҳар қолдиқларининг ўрни ҳозир Чочтепа деб аталади.

Араб манбаларида «Чоч» топономи «Шош» шаклида ифодаланган. Сабаби, араб алифбосида «ч» ҳарфи йўқ. Масалан, 9 асрда яшаб ижод қилган араб олими ат-Табарийнинг «Китоб ар-расул ва-л-мулук»

асарида Шош (Чоч) вилояти бир неча бор тилга олинади. Муаллиф мазкур ўлкани араблар томонидан қандай қилиб эгаллаганлиги ҳақида ёзган.

Араб тилида ёзилган яна бир асар, яъни Ҳамолиддин Қаршининг «Мулҳақат ас-суроҳ» (13 аср) асарида шаҳар «Шош шаҳри» деб аталган ва унда имом Қаффоли Шоший қабри жойлашганигини, уни зиёрат қилганини шаҳар ҳудудида кўплаб масжиidlар борлигини (номларини айтмаган) таъкидлайди. 17 асрда яшаб ижод этган тарихчи Маҳмуд ибн Валийнинг «Баҳр ул-асрор» асарида Тошкентнинг номи уч хил кўринишда келтирилган: «Шош – Туркистонга тегишли, Сайхун дарёсининг нариги томонидаги шаҳар; 5 – ва 6 – иқлиmlарда жойлашаган. Уни Чоҷдеб ҳам аташади, бироқ ҳозир унинг номи – Тошкент. Иқлим яхши. Кўп қишлоқлари бор». «Шош» топономи таниқли араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг (1160–1234) «Китоб ал-комил фи-т-тарих» номли асарида ҳам қайд этилган. Фазуллоҳ ибн Рӯзбихоннинг (16 аср) «Меҳмонномаи Бухоро» асарида эса шаҳар номи «Тошканд» ва Тошкент ҳамда унга ёндош ерлар биргалиқда «Шош вилояти» деб аталган.

9 аср ўрталаридан бошлаб ҳозирги Эски Жӯва, Чорсу, Ҳадра оралигига янги шаҳар шаклланади ва у ёзма манбаларда «Бинкат» номи билан қайд этилган. Бинкат шаҳри Шош вилоятининг маркази бўлганлиги юқорида айтилди. Бу сўз сугд тилида «Янги шаҳар» деган маънони англатади.

10 асрнинг охирида Тошкент Қораҳойлар давлати таркибиға кирган. Бу даврда Тошкент маъмурӣ жиҳатдан юксалиб, унга алоҳида улус мақоми берилган. Ана шу даврдан бошлаб шаҳар

«Тошкент» деб атала бошлиди. Мазкур топоним Маҳмуд Қошгарийнинг «Девон лугат ат-турк» (11 аср) асарида эслатилган: «Таркан-Шошининг номи дир. Аслида бу Тошканд, яъни «тош шаҳар» демакдир». Абу Райхон Берунийнинг · (11 аср) «Қонуни Масъудий» асарида (11 аср) ҳам шаҳар номи «Тошканд» шаклида ёзилган. Кейинги аср манбаларида шаҳар асосан шу ном билан тилга олинган.

Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимлар ҳақида бир мунча муфассал маълумот Абу-Исҳоқ ал-Истаҳрийнинг «Китоб масолик ал-мамолик» асарида (10 аср) берилган. Унда шаҳар шаҳристони (қалъаси)нинг учта дарвозаси (Абу-л-Аббос, Қаср, Гунбаз), ички рабазнинг ўнта дарвозаси (Ҳамдон, Оханин, Мир, Фарқон, Қад, Карманж, Куйи саҳл, Рашидижак, Куйи хоқон, Кашики деҳқон) ва ташки рабаднинг еттига дарвозаси (Фаргад, Ҳашкат Сандижак, Оханин, Такрдижак, Сапрак, Бафаряд) номлари санаб ўтилган.

Кейинроқ (16 аср) ёзилган яна бир манба, яъни Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ал-вақоеъ» асарида ҳам Тошкент ҳудудидаги баъзи мавзелар номлари эслатилган.

16 асрда ёзилган Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдулланома») асарида шаҳар дарвозаларидан бир нечтасининг номи кўрсатилган: Кўкча, Фаркат, Шибли, Самарқанд, Туркистон, Регистон.

19 аср манбаларидан Муҳаммад Солиҳният «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида Тошкент топонимлари ҳақида бир мунча муфассал маълумотлар ўрин олган. Бу асарда муаллиф яшаган даврдаги топонимлар билан бир қаторда олдингий даврларга тегишли баъзи бир топонимлар ҳам

эслатиб ўтилган. Масаллан: Қатагон дарвозаси (15 аср) кейинчалик Қўймас – кенагас деб аталган, дейилади. Муҳаммад Солиҳ, айниқса шаҳарнинг 12 та дарвозаси номларини келтирган: Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Суъбониён (Сагбон), Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч, Қатагон. Шунингдек, шаҳардаги даҳа, ариқлар номлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илк манбаларда Тошкент шаҳрига оид топонилари учратиш мумкин, айниқса шаҳар номини билдирган Ши, Чоч, Шош, Бинкат, Тошкент топонимлари кўпроқ тилга олинади. Турли тарихий ижтимоий сабабларга кўра, қадимда мавжуд жой номлари давр утиши билан истеъмолдан чиққан ёки бир мунча ўзгарган ва янги топонимлар пайдо бўлиб борганлигини кузатди.

Ш.Мусаев

## ИСТОЧНИКИ ПО ИСТОРИИ БАБУРИДОВ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА.

По истории Бабуридов существует много разного рода персоязычных исторических источников, из которых можно было бы почерпнуть сведения о социально-экономическом и политическом строе государства Бабуридов и сопредельных стран, в том числе и Средней Азии. Эти хроники отчасти отличаются друг от друга по содержанию, иногда дополняют друг друга и имеют разные взгляды по происходившим событиям. Они хранятся во многих рукописохранилищах мира. Большая часть этих трудов не изданы, не переведены и мало исследованы.

Традиция составления исторических сочинений в государстве Бабуридов начинается с самого Бабура. Так, если сравнивать историографию от Бабура до Аврангзеба, то по утверждению Асгара<sup>1</sup>, при Бабуре было написано всего одно произведение, а именно всемирно известный труд «Бабур-наме», который переведен на ряда языков, в том числе на узбекский. «Бабур-наме» содержит значительный материал по политической, социальной-экономической и культурной жизни Мавераннахра, Афганистана и Северной Индии начало XVI века<sup>2</sup>.

Во времена правления Хумаюна (1530/1539, 1555/1556)-сына Бабура, по сведениям Афтаба Асгара и каталогов Восточных рукописей было написано шесть исторических сочинений такие как «Тарихи Рашиди» Мирза Хайдара Дуглата, «Тарихи Хумаюни» Ибрахим бин Джарира, «Тазкираи воёоти Хумайуни» Мехтар Джавхар Афтабачи, «Тарихи

Хумайуншахи» Файзи Сирхинди, «Хумайун-нама йа ахвали Хумайун» Баязид Байат3.

Наиболее важным и ценным из вышеперечисленных источников является (Тарихи Рашиди). Ценный труд историкамемуарного характера. Составлен в Кашмире, где автор Мирза Мухаммад Дуглат был правителем с 1541 по 1551 гг. «Тарихи Рашиди» состоит из двух частей (дафтар). Первая часть, посвящена историю ханов Чагатаидов Моголистана (Кашгара) и Средней Азии. Эта часть для изучения истории Средней Азии является одним из важных первоисточников. Вторая часть, сочинения является историко-автобиографического характера и оно охватывает события 1499-1541 гг4.

Хронологически важнейшим источником по истории Бабура и Хумаюна, несомненно, является «Хумайун-наме» («Книга о Хумаюне») составленной дочерью Бабура Гулбадан-бегим. Оно содержит ценные материалы о жизни и деятельности Бабура и Хумаюна, факты, которые остались вне поля зрения официальных историков эпохи первых Бабуридов, т.е. строительство дворцов, разбивка садов при Бабуре, последние годы жизни Бабура в Индии (1526-1530). Здесь же описывают дипломатические и торговые отношения с другими государствами во время Бабура и Хумаюна и многое другое. Эта рукопись издана С.А.Азимжоновой в 1959 г5.

Остальные четыре произведения ещё ждут своих исследователей.

При правлении Акбара (1556-1605) наряду с другими отраслями науки особое развитие получила историческая наука. Под его непосредственным руководством и поддержки были написаны более двадцати пяти исторических сочинений по

Всемирной истории, по истории ислама, по истории Темура и Темуридов и отдельных областей Индии<sup>6</sup>. Учёные по его приказу переводили с индийского и санскрита на персидский язык научные, художественные и исторические произведения. Наиболее из них является (Тарихи хонадани Темурия) («История рода Темуридов»).

Согласно сообщения Афтаба Асгара<sup>7</sup> данный труд был написан в 1576 году и является одним из первоисточников время правления Акбара Единственный дефектный экземпляр хранится в Банкипурской библиотеке (Индия)<sup>8</sup>. Эта рукопись известно также под названием «Чингиз-наме» («Книга о Чингизе»). Кто был автором сочинения не сообщается. В рукописи излагает история рода Темуридов от самого Темура до Акбара, т.е. 14 год правления Акбара выключительно: Амир Темур его военные походы против Амир Хусайна, завоевание Самарканда, Кабула, Герата, Ирака и Персии, походы Темура в Индию, Багдад и смерть Темура; воцарение Амира Халила на трон Самарканда, приход к власти Мирза Шахруха в Хоросан; история царствования Улугбека, его двор, биография известных людей двора Султан Хусейна: Индийские Темуриды: Бабур, его борьба за власть и расширение территории государства; Акбар: Воцарение Акбара и его 25-летней истории.

Хронологически следующий важный источник называется «Тарихи Акбари»<sup>9</sup>. Автором, которого является Мухаммад Ариф Кандахари, умер примерно в 1579 г. весьма ценный источник по истории 25-летного правления Акбара от его рождения (1542 г.) до 1579 г. кандахари работал в концелярии вазири Байрам-хана Хони хонона, затем стал Хонасомоном

(камергером) Акбара. Рукопись пестрит редкими, очень ценными историческими сведениями.

Следующая историческая хроника созданная при Акбари называется (Тухфаи Акбаршахи) («Акбаршахова подарок», или «История Ширшаха»)10. Первоначально сочинение состояло из трех частей. До наших дней дошла только третья часть, которая содержит ценные материалы и как отмечает автор, книга была написана по приказу или распоряжению акбаршаха. Рукописи сочинения можно найти во многих рукописохранилищах мира.

По распоряжению Акбара было написано «Тарихи алфи» («Тысячелетняя история»)11. Этот большой исторический труд охватывает историю первого тысячелетия ислама и исламского мира от смерти Пророка Мухаммада (632-633 гг.) до конца тысячелетия 1600 г. Текст разделён по годам и состоит из трёх томов. Ценным является третья часть т.к. она написано на основе документов, и личных наблюдений авторов.

Из других произведений можно напомнить такие как «Маджамиъ ал-ахбар»12 – («Собрание известий») Мухаммад Шарифа Вакути Нишапури.

Этот труд по всеобщей истории и доведено до 37 года правления Акбара. «Табакоти Акбари» («Акбарова разряды»)13 Низамуддина Ахмада Харави (умер в 1594 г.), охватывает исторические события от Сабуктугина Газнави (976 г.) до 38 года царствования Акбара. «Табакати Акбари» по всему содержанию, не сравнить с другими первоисточниками данного периода, периода правления мусульманских династий в Индии и является путеводителем по истории, истории культуры, политики и социально-экономическим вопросам.

Рукописи «Табакати Акбари» можно встретить в ряди рукописохранилищах мира, в том числе два экземпляра хранится и в Институте востоковедения АН РУз.

Наиболее крупные исторические труды данного периода являются «Тарихи Бадоуни»<sup>14</sup> Абу Кадыра Бадоуни (1540–1595), «Тарихи Хакки» автор Абдул Хак Мухаддис Дехлавий Кадирий (1550–1642), «Тарихи Синд», автор неизвестный, «Акбар-нама» Шайха Абул Фазла Муборак Аллома (убит в 1602 г.) и др.

При правлении Джахангира (1606–1627) было написано 22 исторических трудов. Среди них можно назвать «Равзад ат-тохирин» (1611), «Мунтахаб ат-таворих» Хаки-йи Ширази (1612) «Тарихи Ханджакхани» Нельматулла Харави (1612 г.)<sup>15</sup>.

В годы правления Шах Джахана по подсчётом Афтаба Астара официальными и неофициальными историографами были написаны государства Шах Джахана, отдельных областей Индии и Афганистана, многие из которых являются многотомными. Хронологически эти сочинения состоят из «Маджалис ас-Салатин» Мухаммад Шарифа Декани (1628 г.) «Масир-и Джахангiri» Камгара Хусени (1630) «Асави Шах Джахани» Садика Дехлави (1636) «Ахвали Шахзодагийи Шах Джахан» Мухаммада Шарифа Мультамад-хана (1637). «Падшах-нама» Мухаммад Амина Казвини (1637). «Вакиат-и Темури» автобиография Темура якобы написанная им самим и переведённая с трюки на фарси Мир Абу Талибом Хусейни Тукрабати в 1637 году по приказу Шах Джахана. «Малфузат-и Саҳибқирон» доработка перевода ««Воқеот-и Темури» осуществлённая Мухаммадом Афзалом Бухари в 1637 году по приказу Шах Джахана и при участии последнего: «Ахволи

гирафтан-и Балх ва Бадахшан» («Как был завоёван Балх и Бадахшан») Мухаммад Салих Канбу (1637). «Мират ал-футух» Мулло Тугра-йи Машхади (1646), история завоевания Балха и Бадахшана Шах Джакханом в 1646-1647 году и другие источники. Для примера рассмотрим некоторые источники.

Один из первых исторических трудов начатый при Джакхангире и завершённый в первый год царствования Шах Джакхана (1627-1628 г.) является «Маджалис ас-салатин» автором которого был Мухаммад Шариф Дехкани, это История Индии рассказывающая от первого вторжения газнавида Сабуктегина в Индию (в 960) до воцарения Шах Джакхана (1627-1628 г.) Сочинение состоит из предисловия, многочисленных глав и заключения. В главах хронологически освещает история государства гуридов, газнавидов, происхождение сейидов, лудиев, Темуридов от Бабура до Хумаюна, суров, вторичное воцарение Хумаюна (1555-1556) до прихода Шах Джакхана. Далее рассказывается история городов и областей подвластных Индийским Темуридам. «Маджалис ас -салатин» написан на основании путешествий автора по многим областям Индии. Иосвещает общественно-политическое, экоэкономическое и культурное положение государства индийских Темуридов, имеет определённую историческую ценность для изучения особенно времён правления Акбара и Джакхангира.

«Маасир-и Джакхангири» автор Хаваджа Камгар Хусейни завершил свой труд в 1630 году в начале царствования Шах джакхана. Этот труд является биографией Джакхангира (1605-1627-1628). «Маасир-и Джакхангири» по своему содержанию сильно не отличается от «Джакхангир-наме» автором

которого был сам Джахангир. Оно состоит из предисловия, текста разделённого на две части. Первая часть посвящена родословию Джахангира от Амира Темура до Акбара, рождения Джахангира (1568-69 г.), его воцарение(1605). Вторая часть рукописи содержит историю, двадцатидвухлетнего правления Джахангира (1605-1627-28 г.), т.е. политические, экономические, военные события связанные с ним. Научное значение рукописи заключается в том, что автор был современником Джахангира и написал свои наблюдения.

Из сочинений освещавших первое десятилетие правления Шах Джахана можно назвать «Падишах-наме» Мухаммад Амина Казвани. Рукопись разделена по годам. В заключении автор приводит биографические сведения о крупных суфийских диятелях, известных ученых, поэтах методиках, каллграфах, строителях, музыкантах. Особый раздел посвящен военнаначальникам мансабдарам.

Правлению Шах Джахана посвящены еще два сочинения под названием «Падишах-наме». Одно принадлежит официальному историографу государства Шах Джахана Абдулхамиду Лахури (умер в 1655г), это официальная истрия двадцатилетнего правления Шах Джахана (1627-1647-48). Сочинение известно также под названием «Шахджахан-наме».

Другой «Падишах-наме» принадлежит перу Мухаммад Вариса Лахури (умер в 1960). Данный труд является продолжением «Падишах-наме» Абдулхамида Лахури. Мухаммад Варис начал этот труд в 1647-1648 и завершил его 1657-58 г. В нем изложены исторические события в виде ежегодника. В «Падишах-наме» собраны фактологические материалы и сведения, сведетелями которых был сам автор.

В годы правления Аврангзеба (Аламгира) (1658-59\1706-07) было создано тридцать семь исторических сочинений. Среди них наиболее ценными являются «Тарихи Шах Джакхани» («Шах джакхановская история») Садика Йазди, «Шах Джакханнаме» Мухаммад Салиха Лахури, «Вокеоти Аламгири» Акилхана Хавафи, «Аламгир-наме» Мухаммад Казвини, «Мират ал- алам» («Зеркало мира») Бахтавар-хана и другие. По своим сведениям каждое сочинение дополняет друг друга.

Словом, за более трехсот лет правления первых Бабуридов было создано свыше ста тридцати исторических сочинений. Большинство из них имеют непосредственно отношение к Средней Азии, в частности к Узбекистану.

Во-первых, Бабуриды являются прямыми потомками Амир Темура.

Во вторых, в составлении этих сочинений приняли участие и ученые выходцы из Центральной Азии.

Для объективного и полного освещения истории Темура и Темуридов, а также истории Узбекистана необходимо организовать получение микрофильмов наиболее ценных и редких рукописей из востоковедческих центров и организовать центр по изучению культурного наследия Бабуридов.

Тошкент Давлат Педагогика  
Университети ўқитувчиси.  
Ўз МУ аспиранти  
**Шарипова Машҳура**

**“Туркистанские ведомости газетасида  
- XX аср бошидаги Тошкент аҳолисининг  
машгулотига доир манба”**

Ўтмишимизни ўрганишда вақтли матбуотнинг ҳам роли катта. Чунки унда чоп этилган ҳамма мақолалар ҳам кейинчалик алоҳида бир нашр (китоб, брошюра) сифатида чиқмаслиги мумкин. Шунинг учун тарихчилар, этнографлар бевосита вақтли матбуотнинг ўзига мурожаат қилиб, унинг саҳифаларидан ўзларини қизиқтирувчи масалаларга оид материалларни бирма-бир териб оладилар.

Президентимиз И.А.Каримов “Туркистон” газетасининг муҳбири саволларига берган жавобларида “Миллатни асраш керак, бунинг учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак”<sup>1</sup> деганларида, бу фикр тагида ўзбек ҳалқи тарихига доир янги манбаларни излаб топиш, таҳлил этиш, мустақиллик мафкурасини яратишда улардан кенг фойдаланиш деган тушунча ётади.

1870-1917 йилларда Туркистонда чиққан кундалик матбуот ичida салмоқли ўринни “Туркистанские Ведомости” (“Туркистон вилоятининг газетаси”) эгаллайди. Бу газета маҳаллий рус маъмуриятининг расмий органи бўлиб, унда турли расмий хабарлар, эълонлар билан бир

---

<sup>1</sup> Каримов И.А., Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавоб., Т., 1999.

қаторда ўлканинг тарихи, географияси, геологияси, археологияси, этнографияси ва бошқа кўплаб соҳаларга доир қизиқарли маълумотлар, маҳам бериб борилган.<sup>2</sup>

Чунки руслар ўзлари учун ёт ўлқага эгалик қилишлари учун бу ўлканинг тили, тарихи, урфодати, майший турмуши, маданияти билан яқиндан танишлари лозим эди.

Шундай мақолалардан бири А.Диваевнинг “Тошкентнинг эски шаҳар аҳолисининг касб-ҳунарлари”<sup>3</sup> бўлиб, муаллифлар мақолани ёзишда шарқшунос

В.П.Наливкиннинг маслаҳатларидан, асарларидан фойдаланган.

А.Диваевнинг мақоласида 1897 йил 28 январда Россия империясида ўтказилган аҳолини 1-рўйҳатга олиш чогида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги тўпланган материалларидан маҳаллий аҳолининг касб-ҳунарларига доир жуда бой маълумотлар келтирилган. Унда касб-ҳунарларнинг номлари араб алифбосида ўзбекча, русча аталишлари берилган. Муаллиф буларни шахсан сўров ва кузатувлар орқали тўпланганлиги мақоланинг қимматини янада оширади. Бу маълумотлар халқимизнинг яқин ўтмиши, маданияти билан қизиқувчан барча кишиларга, шунингдек кустар ҳунарманҷчилик

<sup>2</sup> Вяткин В.Л., К исторической географии Ташкентского района-Т.В., 1900, №101:

Диваев А.А, Предание о возникновении азиатского города Ташкента-Т.В., 1900, №91

Улянов Н., Материалы по ирригации г Ташкента и Курмышского уезда-Т.В., 1883, №44.

Камаров П., Несколько слов о «рисоля» т.е. посланиях или получениях ремесленников Т.В., 1901, №45.

<sup>3</sup> Диваев А.А., Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента-Т.В., 1901 №33

тариҳи устида илмий изланишлар олиб борувчи тадқиқотчилар учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

А. Диваев ўз рисоласида қуйидаги касб-хунарларни санаб ўтади: обжувоз, обкаш, отун (унинг 3 хил маъноси бор: 1) муаллиматин-оий; 2) маййитни ювгучи аёл; 3) гирёнда-отун, яъни дағн маросимларида ёлланиб хизмат қиласиган йигичи хотин, аzonчи (шуниси қизиқки у қавмни намозта чақиришдан ташқари масжид ва унинг ҳовлисидағи тозаликни ҳам назорат қилган), аракаши, ошпаз, аълам (бу даврда улар қози ҳузурида маслаҳатчи сифатида хизмат қилганлар), оқсоч, олиб сотар, имом, ўлкачи (ўлка-аёллар махсиси учун ишлатиладиган терининг махсус тури (асосан отнинг ўпкасидан), ўтоқчи-қ, танурчи, ўроқчи, узунгисоз, ўйинчи (В.П.Наливкиннинг ёзишича асосан Фаргонада, хонлар замонидан қолган бўлиб, у даврларда хонлар саройида махсус ўйинчи-раққослар бўлиб, улар кўпинча қўшиқ ҳам қўйлашган), оҳакчи, этикчи, эгарчи, эскидўз, эскифурууш, эшикчи, ийкчи, елимчи, эмчи, ойнакчи, (ойнасоз, ойнаксоз), борбон (карвонсаройларда юкларни тойловчи шахс), бобгон, бўзчи, бўёқчи, байтар (отбоқар), подачи (қишлоқларда подачи-чўпон келишилган тўловдан ташқари, ҳар куни оқшомда хонадонларни айланиб чиқиб челягига егулик овқат тўпланган (В.П.Наливкин), парчабоғ (бўз матони бўёвчи), пошначи, пойкубчи (ёрма билан савдо қилувчи ёхуд обжувоз эгаси), пичоқчи, пўстакчи, пўстиндўз, тақачи, тароқчи, танурчи, тахтафурууш, тўфи-қ, дўфиидўз, тўқумчи (отнинг тўқимини тайёрловлар), тунукачи, тиркашчи ёхуд таркашчи, тегирмончи, тикувчи (тикимчи), телпакдўз, темурчи (одатда унинг 1-2 шогирди бўлган), жазлиқчи (отнинг эгари тагига тўшаладиган

жазлиқни тайёрловчилар), жувозкаш, чопондўз, чархчи, чармпаз, читтар, чилангар (темирчи), ҳофиз, ҳаммомчи, ҳамил (ҳаммол), ходим, хумдончи, доя ёхуд доя хотун, дурудгор (дурадгор), дастурхончи (тўй, дафн маросими ва б.га таклиф қилинган аёл, у уйма-уй юриб одамларни маросимга таклиф этган. Таом тарқатишида бош-қош бўлган. Қилган хизмати эвазига пул ўрнига, совға-салом олган), даллол, данданков (тиш тозалагич. Кўпинча уни қариялар ва кўкнорилар тайёрлашган), дуторчи, дўғидўз, дукчи, деҳқон, дегрез (дикриз), деворкаш (деволзан), рихтагар, заргар, совунгар, соатсоз (соатчи), сагирча (сагричи), сайис, сахтиёнпаз, саррож-қ.эгарчи; саройбон (карвонсарой қоровули), сартарош, сақиначи (узук тайёрловчи). Самоварчи, самбусапаз (сомсапаз), сувоқчи, савдогар, сурнайчи, сирчи (бўёқчи), шоир (буюртма бўйича мувашшаҳ, ҳажв ёзиб беради), шоҳибоф, шупургичи, шарбатчи, шамгар (шам тайёрловчи). Ҳозирда шамлар керосин лампалар томонидан сиқиб чиқарилмоқда, В.П.Наливкинни айтишича, илгари мадраса муллаваччалари ҳужралардаги кечки машгулотларида шамдан кўп фойдаланишган), сахроф (китоб билан савдо қилувчи, шунингдек муқовасоз), сарроф, сўфи - қ. Азончи, табиб, аравасоз, арабакаш (аравакаш), ашулачи. Фолбин, фаррош, паранжидўз, қори, қолибчи, қайишпаз (қайиш-камар тайёрловчи), қайиқчи, қуббачи (учи думалоқ бўлиб деворга қоқиладиган, кийим иладиган қозик, шунингдек бешикнинг икки томонидаги учи думалоқ бошчали таёқчалар ясовчилар), қадоқчи (мих тайёрловчи), қоравулчи (кўча қоравули), қўшчи (хўжайндан қўш хўқиз ва уруглик олиб ҳосилнинг бир қисмини олиш эвазига ерга ишлов берувчи шахс), қўмчи (туя эгарини ясовчи), котиб.

Ушбу рўйхатнинг тарихий-этнографик қиммати анча катта. Зеро ота-боболаримиз шугулланган касб-ҳунарлар билан танишиши. Уларни тадқиқ этиш бизга ўтмишимизни яқиндан ўрганишимизга хизмат қиласи. Ундан ташқари, ушбу рўйхат билан танишиб чиққан киши кўз ўнгидаги ҳозирги кун манзараси келади ва ўтмишда мавжуд бўлган кўпдан-кўп касб-ҳунарлар эндиликда йўқ бўлиб кетганлиги, шу билан бирга ҳозирги кундаги касб-ҳунарларнинг ўзбекча айтилиши аслида қандай бўлганлигини билиб олиш мумкин.

«Манбашунослик ва тарих ўқитиши методикаси кафедраси»нинг ўқитувчиси

Ишқуватов В.Т

*Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихига оид архив ҳужжатлари.*

Ҳар бир ўқувчига зарур билимларни беришда архив ҳужжатларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Жумладан, Ўрта Осиё тарихида катта аҳамиятга эга бўлган Қўқон хонлиги билан Россия давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихига эътибор бериш, шу куннинг долзарб мавзууларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзаро олиб борилган дипломатик муносабатлар қандай бўлганлигини билиш учун эса, биз Ўз Республикаси Марказий Давлат Архив И-715 фондида сақланаётган манбалар ва ҳужжатларга эътибор бериш. Россияда сақланаётган хатлар, ҳужжатлар муҳим ва ўша давр бўйича ишонарли манба бўлиб хизмат қиласи.

Ўрта Осиё, шу жумладан Қўқон хонлиги тарихига оид муаммолар билан шугулланган тарихчилар (масалан, Р.Н.Набиев, Ҳ.Зиёев, Ҳ.Иноятов, Ҳ.Н.Бобобеков, Ф.Гаффоров, Н.Халфин, Т.К.Бейсембиев, Г.А.Аҳмаджонов ва бошқалар). Қўқон-Россия дипломатиясига маълум даражада эътибор беришган. Бироқ Россия-Қўқон муносабатларини ўрнатишда ўз хиссасини қўшган Мамадиёров хизмати тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Ф.Гаффоров ўзининг «Экономические и политические связи России с Кокандским ханством в первой половине и 60 - 70 годах XIX века» номли

номзодлик диссертациясида, Қўқон хони Олимхон Тошкент шаҳрини 1809 йили босиб олгандан кейинги Россия билан алоқани ўрнатишга интилгани деб ёзади. Қўқон хонлигининг Россия билан савдо алоқани ўрнатишга ҳаракати 1805 йилгача бўлганлиги тадқиқотида таъкидлаган.

Олимхон даврига тегишли воқеалар баёнида яна бир хатога йўл қўяди. Унинг фикрича, 1810 йили Россия ҳукумати, рус савдогарлари ва саноатчилар манфаатини кўзлаб, қозоқларнинг Ўрта жуз сultonларидан бирини Қўқонга юбориб, хонни руслар билан дўстона муносабат ўрнатишга даъват этган эмиш.

Ушбу алоқа ҳақида бошқа тарихчилар ҳам етарли даражада эътибор бермаганлигини эътиборга олган ҳолда, биз, айрим архив маълумотларни мисол тариқасида келтирмоқдамиз.

1805 йилги архив ҳужжатларига қараганда, Туркистонга Россиядан келган Нерпиннинг приказчиғи Можайтинов раҳбарлигидаги савдо карвони ҳақида маълумотни олган Олимхон, руслар билан савдо ва дўстлик муносабатларини ўрнатмоқчи бўлади. Шунинг учун у Султон Буқайга хат ёзиб, рус савдогарларини Қўқонга ҳам кузатиб олиб келишини сўрайди. Шу муносабат билан, у Олимхонга генерал Лавров ва рус савдогарлари билан гаплашиб кўришга ваъда беради. Яна жавобида шуни таъкидладики, карвон йўли тогу тошлар орасидан ўтиши ва қиргизлар томонидан ҳавф борлиги, ҳамда Тошкент ёнидан ҳам ўтилишини айтиб, Тошкент беки билан ярашишни таклиф этади. Шундан кейин савдо карвони бехатар йўлга чиқиши мумкин, дейди.

Бу ерда Тошкент мустақиллик йиллари, яъни Юнусхон Тошкентнинг мустақил ҳокими бўлган

вақтидаги алоқалар ҳақида сўз бормоқда. Бизнинг фикримизча Олимхон Тошкент ва унга тобе ҳудудларни забт этиб, ўз тасарруфига олишининг асосий сабабларидан бири Қўқон - Россия ўртасида савдо алоқаларига Тошкент тўсқинлик бўлаётганлигидадир. Шунинг учун 1805 йили Тошкент, Туркистон ва бошига ҳудудларни, ҳозирги Қозогистоннинг жанубий ерларини Олимхон забт этиб, савдо карвонларига йўл очди.

Султон Бўкайнинг ўғли Гози Султон эса Олимхоннинг илтимосини ёзма равища И.А.Вейдемерга етказади. Сўнгра Россия коммерция (savdo) вазири граф Румянцев бу ҳақда маълумот олиб, инспектор генерал - майорга қўрсатма бериб, рус савдогарларини бу ишга жалб этиб Қўқонга юборишини тавсия этади. Шу билан бир қаторда, Қўқон давлати ҳақида маълумотларни ва у ердаги савдо-сотиқ ҳолатни аниқлаб келиш топширилади. Бу эса рус савдо ҳудудини кенгайтиришга ёрдам бериш мумкинлигини таъкидлайди.

1806 йил 13 январда Сибирь инспекциясининг инспектори генерал майор Лавров томонидан Коммерция вазирига ёзилган хатга қараганда, бундай савдо карвони ташкил қилиниб Қўқонга жўнатилган экан, аммо у ердаги нотинчликлар муносабати билан, ушбу карвон фақат Туркистонгача этиб борибди холос. Ушбу хатда яна Қўқонда тинчлик ўрнатилганлиги ҳақида ҳам сўз боради ва шу муносабат билан яна савдо карвонини юборишга ҳаракат қилинишига ваъда берган.

Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида дипломатик алоқаларни расмий равища ўрнатиш ҳаракати Олимхон даврида бошланган. Бу алоқаларнинг асосий мақсади икки мустақил давлат ўртасида карвон

йўлларини очиб савдо муносабатларини ўрнатиши бўлган.

Олимхон давридаги ҳаракат жараёнида Тошкент, Чимкент, Туркистон ва унинг атрофидағи ҳудудлар Қўқон хонлигига бўйсундирилди ва савдо карvon йўллари очилишига имконият яратилди. Шу муносабат билан биринчи бўлиб Россиядан Қўқонга расмий равишда рус вакили Мамадиёров келди. Бу вақтга келиб Олимхон суйиқасд натижада ҳалок бўлганлиги сабабли, Қўқон хонлиги тахтига ўтирган Умархонга Санкт - Петербургта ўзининг элчисини юбориши мумкинлигини ва Россия императори уни қабул қилишга рози эканлигини Мамадиёров унга айтади. Умархон эса Россия пойтахтига ўзининг элчиларини юборади.

Россиянинг ташқи сиёsat архивида Қўқон ҳокими Мұҳаммад Умарбек ва унинг халқи номидан Раҳматилла девонбеги қушботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли ҳамроҳлари билан Ўртажус қозоқ султони Гози Букеев, старшина Луазан Тогаев ва Ботикан Куромсин ва мулла Тошпўлат Бекпўлатов приставнинг штабс капитани Гродницкий билан бирга таржимон Қулмамат Мадёролварнинг Санкт-Петербургга (хужжатда «улуг саройга» деб ёзилган-ИВ) ташрифи Аренбургда элчи Шукур Олтибосар оталиқнинг ўлдирилиши ва ҳоким томонидан унга хун талаб этилиши ҳақида ҳужжатлар мавжуд.<sup>1</sup>

Юқорида қайд этилган ҳужжатга қарагандা, Умархон Россияга Қулмамат Мадиёров билан бирга бориш мақсадида «ўзига яқин ва ишончли амаддорларидан хоннинг вазири бўлмиш девонбеги Раҳматулло Қўш Баходиров ва тижорат бўйича

---

<sup>1</sup> АВПР, Жамгарма бош архив 1-8, 1810/1820 тавсиф 7 д1, бет 1

маслаҳатчи Шукур Олтибосаров оталиқларга беш кишини хизматкорлик учун ажратиш тұгрисида фармон чиқарған».<sup>2</sup>

Ушбу әлчилар орқали Тошкент ҳокими Құқон хонининг вазири Мұхаммад Мұмин-баҳодир Мұхаммадеровдан қуидаги мазмунда мактуб юборган зди. «Биз Россия империяси билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида сиз билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишни ва тенглик асосида ўзаро муносабатларни давом эттиришни тарафдоримиз».<sup>3</sup>

«Ушбу хатга Россия императори Құқон хони Умархонга қуидаги жавоб мактубини ёзиб юборган. 1812 йил 27 январ санаси битилган. Құқон ерларининг ҳокими Мұхаммад Умар Норбұтахон қўлига биз император хазратларидан илтифот ва табрик. Мамнұят билан сизга шуни маълум қиласманки, бутун Россия империяси билан Құқон хонлиги ўртасида ўзаро дўстлик ўрнатиш ва савдосотиқ йўлини очиш ҳақидаги хатингизни Раҳматулло девонбеги Қуш Ботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли элчиларингиз билан юборган мактубингизни олдим. Сизнинг мактубингизга биноан шуни маълум қиласманки, биз ҳам Құқон хонлиги билан ўзаро дўстлик ўрнатиш ва савдосотиқ алоқа йўлини очиш тарафдоримиз».<sup>1</sup>

Россия әлчиси Филипп Назаровнинг Құқон хонлигига келиб кетиши ҳақида маълумотлар ўзбекистонлик тарихчилардан Г.Михайлова, Х.Зиёев, Х.Бобобеков, А.Шарафитдинов ва бошқаларнинг

<sup>2</sup> АВПР, Жамгарма бош архив 1-8, 1810/1820 тавсиф 7 д1, бет 10-16.

<sup>3</sup> АВПР, Жамгарма бош архив 1-8, 1810/1820 тавсиф 7 д1, бет 17-18

<sup>1</sup> АВПР, Жамгарма бош архив 1-8, 1810/1820 тавсиф 7 д1, бет 67-68

тадқиқотларида учрайди. Россия ҳукумати икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада жонлаштириш мақсадида дўстлик муносабатларини тиклаб, савдо алоқаларининг ўрнатиш учун Филипп Назаровни элчи қилиб юборади. Филипп Назаров Қўқонда 1 йилга яқин бўлиб, 1814 йили Россияга қайтади. Қўқон Россия дипломатик муносабатларига баъҳо беришда хусусан, Филипп Назаровнинг Қўқон хонлигига қилган ташрифининг натижаси ҳақида Россия ва ўзбекистонлик тарихчи олимлар орасида фарқ мавжуд. Ушбу мавзу бўйича йирик мутахассислардан бири Россия тарихчиларидан Н.Хавфиннинг «Россия и ханства Средней Азии» номли китобида ёзишича, Қўқон элчиси ўлдирилиши муносабати билан 1813 йили Россия ҳукумати Қўқонга таржимон Филипп Назаровни расмий элчи сифатида юборган. Унинг асосий мақсади, Семипалатинскда содир бўлган фожеани баён этиб, Россия - Қўқон муносабатини тиклаши эди. Филипп Назаров 1813 йили Қўқонга келади ва Умархон билан учрашиб, унга Россия императорининг совгасаломини топширади ва ~~хон~~<sup>1</sup> номига ёзилган хатни беради. Филипп Назаров 1 йилга яқин Қўқонда қолиб кетади. 1814 йил 15 октябрь Петропавловск қалъасига қайтиб келади.

Н.Хавфиннинг фикрича, Филипп Назаровнинг Қўқонга ташрифи сиёsat нуқтаи назаридан жиддий оқибатлар бермади, ваҳоланки, бу эса рус ҳукумати доирасининг Россия Қўқон муносабатини тиклашдан манфаатдорлигини кўрсатади. Филипп Назаров ташрифининг илмий нуқтаи назаридан аҳамияти

---

<sup>1</sup> Хавфин Н. России и ханства Средней Азии.-М.-1974.-С.-  
225/226

шундаки, у Құқон хонлиги ҳақида қимматли рисола  
ёзіб чоп эттиради.<sup>2</sup>

Ўзбекистонлик тарихчиларининг тадқиқотларига қараганда Н.Хавфиннинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки, Филипп Назаровнинг ташрифи сиёсий нуқтаи назаридан ҳам жиiddий ижобий аҳамиятга эгадир. Ваҳоланки, у Россия ва Қўқон ўртасига тушган низони бартараф қилишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, Қўқон - Россия дипломатик алоқалар ва дўстлик муносабатлар ўрнатилади.

Манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан қаралса, Қулмамат Мамадиёровнинг Қўқонга ташрифи ўзбек олимлари томонидан шу кунга қадар чуқур ва ҳар томонлама ўрганилгани йўқ. Бизнинг фикримизча, ушбу масала бўйича қўшимча архив маълумотларни қидириб тадқиқот ишларини олиб бориш лозим.

---

<sup>2</sup> Хавфин Н. России и ханства Средней Азии.-М.-1974.-С.-226

“Манбашунослик ва тарих ўқитиши методикаси”  
кафедраси аспиранти.

Рахматуллаева Озода Рустамовна

“Қиссаи Темур” асарининг  
ўрганилиши.

Амир Темур даври тарихига оид жуда кўп тарихий асарлар бўлиб, улар Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, “Темур тузуклари”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Хофизу Абронинг “Зубдат ут таворих”, Фосих Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи-саадайн,,,», Мирхонднинг «Равзат устсафо», асарлари, Клавихонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат» ва бошқа асарлардир.

Ушбу мақолада «Қиссаи Темур» асари бошқа манбаларга солиштириб ўрганилди. Ҳозирги кунга қадар 1991,1996 йилларда чоп этилган «Темур тузуклари» ва Санкт-Петербургда сақланаётган «Темур тузуклари» ва «Малфузоти-темурий» қўлёзмалари тузукларининг тўла матни ҳисобланар эди. 2001 йилда т.ф.д. Ҳ.Н.Бобобеков, т.ф.д. Ҳ.Бобоев, ф.ф.д. Қурбонбеков каби олимлар томонидан эски ўзбек тилидаги араб ёзувидан кирилл алифбосига биринчи марта ўтириб чоп этилди. Асарда Амир Темур эсдаликлари ва тузуклари ва тузуклари тўлиқ ҳолда берилган. Тарихчи олимлар шу кунгача Амир темуринг болалиги, ўсмирилиги тўгрисида фақат Ибн Арабшоҳ маълумот беради деб келганлар. Бу эса соҳибқироннинг ёшлиги тўгрисидаги турли тухмат ва иғволарнинг ёғдирилишига тўгридан-тўгри сабаб бўлган. Узоққа бормайлик, масалан кўп ўзбек тарихчи олимлари асоссиз равища «Темур саводсиз

бўлган» ёси «ёшлигида қароқчилар тўдасига бош бўлган» деб келганлар. Масалан. 1992 йилги 8-9 синфларга мўлжалланган Ўзбекистон халқари тарихи дарслигида (муаллиф М. Исҳакова, В. Костецкий) ёки «Менинг жонажон тарихим» (муал. Г. А. Ҳидоятов) ўқув қўлланмасида бошқа манбаларни билмаслик натижасида асоссиз қарашлар кўп учрайди.<sup>1</sup>

Темур даврига оид бизга маълум бўлган барча манбаларнинг аксариятида воқёлар асосан 1360-1370 йиллардан бошлаб баён этилади. Жумладан, Шомийнинг «Зафарнома», Яздийнинг «Зафарнома» ва бошқа тарихий асарларда „, «Қиссаи Темур» асарида воқеликлар тафсилотлар билан баён этилган. Асарнинг оригиналлиги шундаки, унда соҳибқиронинг мактабга бориши, биринчи ўқитувчиси, ўсмирлик йиллари ва бошқалар берилган.

Асарда: «Отам Амир Тарогқўлимдан тутиб, мактабга олиб бориб, мулло Алиякни менга муаллим қилди.»-дейилади. Мулло Алияк соҳибқироннинг биринчи ўқитувчисидир. Асарда Темурнинг таржимаи ҳоли ўзининг тилидан ҳар бир ёшга тўхталган ҳолда содда ва этилади. Унда: «Мен тўққиз ёшимдан бошлаб мажлисларда икки тизда ўтирас эдим. Бу ўтириш намозда қабул қилингани учун менга ёқади»- дейди. Асарнинг кўп жойларида «Хумо Куши бошимга соя солди» деган ибораларни учратишими мумкин. Биз манбалардан соҳибқироннинг Қуръондан фол очганини, шунга қараб фаолиятини юргизганини биламиз. Бироқ, тасвувуф олими Аҳмад Яссавийнинг рубоийларини доим ёддан айтиб юргани тўгрисида ушбу асарда

<sup>1</sup> Исҳакова М., Костетский В. дарслик. Узбекистон халқлари тарихи. Т., 1992 йил. «Ўқитувчи» нашр. 111 бет.

бир неча марта такрорланган. Масалан, «Аҳмад Яссавий рубоийларини ёддан етмиш марта айтиб, Қайсар устидан галаба қозондим»-дейилади. Асарда жуда кўп тушлар ва уларнинг таъбири қандай ижобат бўлганлиги баён этилган. 1365-1370 йилларда темурнинг Амир Ҳусайн билан алоқаси ёмонлашиб ўргада фитналар пайдо бўлган эди. Бу тўгрисида соҳибқирон туш кўради. Тушида амир Ҳусайнни гулзорли bog ичида қизил тўн кийиб катта иморатдан чиқиб, Темурга кумуш қилич берганини кўради. Атрофда кўп чивин ва арилар Ҳусайнга ҳужум этади. Бу тушнинг таъбирини шундай дейдилар: - «Амир Ҳусайннинг мулки олиниб, ўзи ва лашкари ҳам Темурнинг қўлида ўлади.» 1370 йилда Амир Темур ўз рақиби амир Ҳусайнни Балхда ағдаргач, Амир Темур Мовароуннаҳр амири деб тан олинди. «Қиссаи Темур» да бу ҳақда: - «Туронзамин учун дастлаб уч киши даъво қиласилар: Бири шоҳ Муҳаммад Бадхший Бадахшон ҳокими, иккинчиси Амир Кайхусрав Ҳутталоний Ҳатлон ҳокими, учинчиси Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз». Улар келишиб Туронзаминни бошқармоқчи бўлишади. Агар душман ҳамла қилса, бирлашиб курашамиз деб келишишади. Амир Абул Барокот Термиз хони. Абу Маоний ва хонзода Али Акбар билан йигилиш қилиб учта салтанат даъвогарини чақиртирадилар. Мажлис қилиб, унда Амир Абул Баракот: “Агар бирдан зиёд хоеим бўлса нифоқ бўлади. Икки ҳоким бўлса худди икки худо бордек ўхларини тутадилар. Бири осмон бири ер худосидек. Худо бир экан, мулқда ҳоким ҳам бир бўлса одил мақсадларга эришилади.”

Шунда Амир Баён Сулдуз: Бизларнинг ҳеч Суюрг биримиз хонлар авлодидан эмасмиз отмиш Чингизхон авлодидан эмасмиз. Суюрготмиш Чингизхон авлодидан у хон бўлсин. Амир Темур

унинг саркардаси бўлсин, бизлар итоат этайлик, дейди.

Абу Барокат: Нега энди бизлар коғир Чингизхонга мутэъ булишимиз керак. Темурнинг қиличи Чингизхонницидан кам эмас. У голиб. Сизлар Ҳусайндан қўрқиб, саҳроларда қочиб юрганларингизда у Ҳусайнни мағлубиятта учратди.

Амир Кайхусрав: «Қуръа ташлаймиз, кимнинг номига тушса, ўша ҳоким бўлади»-дейди. Қуръа Амир Темурнинг номига чиқиб, ҳамма унга итоат этади. Худди шу воқеалар баёни Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ҳам тасдиқланади. Фақат қуръа тўтрасида ёзилмаган. Унда мазмунан шундай дейилади: «Беклар йигилишда қатнашиб, Амир Темурни шоҳдикка муносиб кўрадилар».

Асарда соҳибқироннинг қилган зафарли юришлари ҳақида ҳам баён этилган. Масалан, Амир Темур Ҳинҷистонга юриш қилиб галаба қозонгандан сўнг, бутхоналарни ўзи синдиради. Бутхона браҳманлари унинг ёнига келиб, худоларнинг кароматлари ҳақида гапирадилар. Ўшанда Темур: Агар кароматлари бор бўлса ўз ҳолига келсинчи?-дейди. Браҳманлар уларнинг кароматлари шуки. Уларнинг олти юзта хотини бўлиб, бир кечада ҳаммасининг ёнига бир хил вақтда борадилар лейдилар. Темур: «Шайтон ҳам бир кечада минг кишининг ёнига бориши мумкин, бунинг яхши томони йўқдир»-деб жавоб берадилар.

Асарда, бошқа манбаларда учрамаган шахсларнинг исмлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам баён этилган бўлиб, бу асар Амир Темур Кўрагон тарихидаги кўп янгиликларни беради. Асарни ҳақли равишда «Темур тузукларининг» тўла матни деб айта оламиз.

Аспирант. Абдусалимова М.

## *Зафарнома – и Худоёрхони» Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба.*

Маълумки, 1875 йил июнь ойида Худоёрхон Қўқондан Тошкентга қочиб кетаётганда Қўқон хонлигининг архиви йўқолган. Кейин топилган ҳужжатлар қимматли бўлишига қарамай, Қўқон хонлиги тарихини тўлиқ очиб бера олмайди. Шунинг учун Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда тарихий қўлёзма китобларнинг аҳамияти каттадир. Бу соҳадаги қимматли асарлар: Жунаид Мулло Авазмуҳаммад Мулло Рўзи Муҳаммад сфи ўғлиниң «Тарихи жаҳонномаи» (ЎзР ФА ШИ, №); Мирза Олим Валади Мирзо Раҳим Тошкандий «Ансоб ас -салотин ва таворих ал-хавоқин» (ЎзР ФА ШИ, № 3753); Исҳокхон Жунаидулло ўғли Тўрақўргоний «Ибрат», «Тарихи Фарғона» (ЎзР ФА ШИ, № 1017; Мерос, Фарғона тарихи. Т.1992.); Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон; Ниёз Муҳаммад бин Ашур Муҳаммад Хўқандий. «Тарихи Шоҳрухи». (ЎзР ФА ШИ, № 4463; Т.1915.); Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли Тошкандий. «Тарихи жадидаи Тошканд» (ЎзР ФА ШИ, № 5732); Мулло Восеъжон «Тазкираи сultonи» (ёки «Тазкираи Худоёрхони»; ЎзР ФА ШИ, № 692); Мулло Шамс Намангоний. «Жангномаи Худоёрхони» (ЎзР ФА ШИ, № 1762) ва бошқа қўлёзмалар мавжуд.

Юқорида номланган қўлёзма китоблар Қўқон хонлигининг сиёсий тарихини ўрганишда қимматли манбалар бўлиб ҳисобланади. Аммо 1853 йилги «Қипчоқлар қиргини» масаласига келсақ, улар бу мавзууни қисқа баён этиб ўтадилар.

Санкт Петурбургдаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Қўкон хонлигига оид яна бир ноёб ўзбек тилида ёзилган қўлёзма китоб сақланади. Унинг номи «Зафарномаи Худоёрхони» деб аталади. Муаллифи Абдугафурдир. Бу асар, асосан, Қўкон хонлиги тарихига оид бўлиб, асосан, қипчоқлар ҳақида, айниқса 1853 йилига «қипчоқлар қиргини» ҳақида, бошқа қўлёзма китобларга нисбатан тўлиқроқ маълумот беради. Бу асарнинг форс ва эски ўзбек тилларида ёзилган варианatlари мавжуд.

Масалан, Тошкент Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида форс тилида ёзилган ва 1859 йили кўчирилган 65 варақли қўлёзма мавжуд. Ушбу қўлёzmанинг қисқартирилган варианtlари ҳам бор (масалан, № 1573, 27 варфқ; № 599/11, 23 варфқ; № 1636, 35 варақ). Юқорида номланган Санкт - Петербургдаги № С-667 рақамили нусха эса 83 варақлидир. Бу қўлёzmанинг ўзбек тилида ёзилиши ҳақида муаллифнинг таъкидлашича, омма шу асарни туркий тилда ўқишини орзу қиласади. Шу туркий, яъни ўзбек тилида сўзлайдиган ва форс тилини билмайдиган омманинг хоҳишини эътиборга олган ҳолда, муаллиф ўз асарини ўзбек тилида ёзишни лозим топганга ўхшайди.

«Онинг учун муни назм айладим ман,

Ҳамма турк элига базм айладим ман.

Бизнинг аср форсийни билмас эдилар,

Бариси туркий хушлар эдилар.

Онинг учун бу китобни туркий ёздим,

Яна ул сўз аслига кўзни юбордим.

Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, муаллиф асарни форс тилида ёзилган қўлёzmани туркий тилга таржима қилмасдан, асли нусхани асос

Бу ерда бугдой ва арпа етиштирилади. Яхши отлар кўп. Одамлари моҳир жангчилар...».

Мазкур манбаларда ҳозирги Тошкентнинг ўрни Ши ҳудудига кирганлиги таъкидланган. «Ши» сўзини ифодаловчи хитойча белги (иероглиф) «тош» деган маънони англатади. Айни пайтда, шаҳарнинг сугдча «Чоч» деган номи ҳам «тош» маъносини билдиради. Демак, хитой манбаларда учрайдиган «ши» сўзи сугдча «чоч» атамасининг калькаси, дейиш мумкин.

«Чоч» топоними ёзма шаклда илк бор сосоний подшоҳ Шопур 1 нинг фармонига кўра, «Зардушт каъбаси»га (милодий 262 йил) битилган ёзувларда учрайди ва у вилоят номини англатган.

«Чоч» ёзуви 3-5 асрларга оид сугд тангаларида ҳам зарб этилган.

Шунингдек, илк ўрта асрлар тангалари, қумуш идиш ва Фатуфарнинг Диваштичга ёзган хатида ҳам «Чоч» топономи учрайди. 10-11 асрлар форсий ёзма манбаларида ҳам шаҳар номи «Чоч» шаклида берилган. Масалан, 983 йилда ёзилган «Ҳудуд-улолам» номли форсий асада Чоч кагта вилоят, пойтахти Бинқат ва подшоҳининг қароргоҳи шу шаҳарда эканлиги қайд этилаган. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги «Сиёвушнинг Афросиёб билан аҳд паймон қилгани» номли қисссасида шундай сатрлар бор:

Бухорою, Сугд, Самарқанду Чоч,  
Сажжоб ерларини бўшатиб қийғоч,  
Қўшинин Канг томон сурарди шитоб,  
Паймонига содиқ шоҳ Афросиёб.

«Чоч» Тошкент шаҳри тарихидаги илк топоним бўлиб, бугунги кунгача етиб келган ва қадимги шаҳар қолдиқларининг ўрни ҳозир Чочтепа деб аталади.

Араб манбаларида «Чоч» топономи «Шош» шаклида ифодаланган. Сабаби, араб алифбосида «ч»

ҳарфи йўқ. Масалан, 9 асрда яшаб ижод қилган араб олими ат-Табарийнинг «Китоб ар-расул ва-л-мулук» асарида Шош (Чоч) вилояти бир неча бор тилга олинади. Муаллиф мазкур ўлкани араблар томонидан қандай қилиб эгаллаганлиги ҳақида ёзган.

Араб тилида ёзилган яна бир асар, яъни Жамолиддин Қаршининг «Мулҳақат ас-суроҳ» (13 аср) асарида шаҳар «Шош шаҳри» деб аталган ва унда имом Қаффоли Шоший қабри жойлашганлигини, уни зиёрат қилганини шаҳар ҳудудида кўплаб масжиidlар борлигини (номларини айтмаган) таъкидлайди. 17 асрда яшаб ижод этган тарихчи Маҳмуд ибн Валийнинг «Баҳр ул-асрор» асарида Тошкентнинг номи уч хил кўринишда келтирилган: «Шош – Туркистонга тегишли, Сайхун дарёсининг нариги томонидаги шаҳар; 5 – ва 6 – иқлимларда жойлашаган. Уни Чочдеб ҳам аташади, бироқ ҳозир унинг номи – Тошкент. Иқдим яхши. Кўп қишлоқлари бор». «Шош» топономи таниқли араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг (1160-1234) «Китоб ал-комил фи-т-тарих» номли асарида ҳам қайд этилган. Фазлумлоҳ ибн Рӯзбихоннинг (16 аср) «Меҳмонномаи Бухоро» асарида эса шаҳар номи «Тошканд» ва Тошкент ҳамда унга ёндош ерлар биргалиқда «Шош вилояти» деб аталган.

9 аср ўрталаридан бошлаб ҳозирги Эски Жўва, Чорсу, Хадра оралигига янги шаҳар шаклланади ва у ёзма манбаларда «Бинкат» номи билан қайд этилган. Бинкат шаҳри Шош вилоятининг маркази бўлганлиги юқорида айтилди. Бу сўз сугд тилида «Янги шаҳар» деган маънони англатади.

10 асрнинг охирида Тошкент Қораҳойлар давлати таркибига кирган. Бу даврда Тошкент маъмурий жиҳатдан юксалиб, унга алоҳида улус

мақоми берилган. Ана шу даврдан боплаб шаҳар «Тошкент» деб атала бошлади. Мазкур топоним Маҳмуд Қонғарийнинг «Девон лугат ат-турк» (11 аср) асарида эслатилган: «Таркан-Шошнинг номидир. Аслида бу Тошканд, яъни «тош шаҳар» демақдир». Абу Райхон Берунийнинг (11 аср) «Қонуни Масъудий» асарида (11 аср) ҳам шаҳар номи «Тошканд» шаклида ёзилган. Кейинги аср манбаларида шаҳар асосан шу ном билан тилга олинган.

Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимлар ҳақида бир мунча муфассал маълумот Абу-Исҳоқ ал-Истахрийнинг «Китоб масолик ал-мамолик» асарида (10 аср) берилган. Унда шаҳар шаҳристони (қалъаси)нинг учта дарвозаси (Абу-л-Аббос, Қаср, Гунбаз), ички рабазнинг ўнта дарвозаси (Ҳамдон, Оханин, Мир, Фарқон, Қад, Карманж, Қўйи саҳл, Рашидижак, Қўйи хоқон, Кашки дехқон) ва ташқи рабаднинг еттита дарвозаси (Фарғад, Ҳашкат, Сандижак, Оханин, Такрдижак, Сапрак, Бафаряд) номлари санаб ўтилган.

Кейинроқ (16 аср) ёзилган яна бир манба, яъни Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ал-вақоєъ» асарида ҳам Тошкент ҳудудидаги батъзи мавзелар номлари эслатилган.

16 асрда ёзилган Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдулланома») асарида шаҳар дарвозаларидан бир нечтасининг номи кўрсатилган: Кўкча, Фаркат, Шибли, Самарқанд, Туркистон, Регистон.

19 аср манбаларидан Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида Тошкент топонимлари ҳақида бир мунча муфассал маълумотлар ўрин олган. Бу асарда муаллиф яшаган даврдаги топонимлар билан бир қаторда олдинги

даврларга тегишли баъзи бир топонимлар ҳам эслатиб ўтилган. Масаллан: Қатагон дарвозаси (15 аср) кейинчалик Қўймас – кенагас деб аталган, дейилади. Муҳаммад Солиҳ, айниқса шаҳарнинг 12 та дарвозаси номларини келтирган: Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Суъбониён (Сагбон), Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешогоч, Қатагон. Шунингдек, шаҳардаги даҳа, ариқлар номлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илк манбаларда Тошкент шаҳрига оид топонилари учратиш мумкин, айниқса шаҳар номини билдирган Ши, Чоч, Шош, Бинкат, Тошкент топонимлари кўпроқ тилга олинади. Турли тарихий ижтимоий сабабларга кўра, қадимда мавжуд жой номлари давр ўтиши билан истеъмолдан чиқсан ёки бир мунча ўзгарган ва янги топонимлар пайдо бўлиб борганлигини кузатди.

## М У Н Д А Р И Ж А

1. Б.Ғ.Қодиров. Истиқдол шарофати... ...
2. Г.С.Фузаилова. Талабаларга манбашуносликни ўргатиш масалалари. ... ... ..
3. А.Үринбоев. Ўз ФА Шарқшунослик институтиги хазинаси Шарқ ҳалқлари ёзма меросини тавсифлаш... ... ..
4. Б.С.Маннонов. Дипломатия тарихига оид манбалар ва уларнинг тарих фанини ўқитишдаги аҳамияти... ... ..
5. Яёи Кавахара. Муҳаммад Ҳаким-хоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари тарихий манба сифатида... ... ..
6. А.А.Асқаров. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичлари қадимги Фаргона... ... ..
7. Қ.Муниров. ЎзР ФА Шиининг қўлёзма асарлар хазинасидаги тарихий асарлар... ... ..
8. М.Хасаний. Қўлёзмаларга дастлабки илмий ишлов бериш. ... ..
9. А.А.Мадраимов. XIV – XVII аср Шарқ мўжаз нафис расмлари муҳим тарихий манба... ... ..
10. С.Гуломов. Муншиоат мажмуаларидағи Амир Темур даври тарихига оид ёзишмалар муҳим манба сифатида... ... ..
11. О.Бўриев. Улуғбекнинг астрономия мактабида ёзилган бир асар... ... ..

12. Г.Ю.Остонова. Қушбеги архиви -  
Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим  
манба (XIX– XX аср бошлари) ... .
13. М.Мамажонова. Манбашунослик дарсларида  
тарихий шахсларни ўрганиш... .
14. Х.Бўриева. Илк манбаларда Тошкент шаҳри  
топономияси... .
15. Ш.Мусаев. Источники по истории Бабуридов  
и их значения в изучении истории  
Узбекистана... .
16. М.Ф.Шарипова. XX аср бошидаги Тошкент  
аҳолисининг машгулотига доир қизиқарли  
манба ... .
17. В.Т.Ишқуватов. Қўқон Россия ўртасидаги  
дипломатик муносабатлар тарихи, архив  
хужжатлари... .
18. О.Р.Рахматуллаева. «Қиссаи Темур»  
асарининг ўрганилиши... .
19. М.Абдусалимова. «Зафарнома-и  
Худоёрхони» Қўқон хонлиги тарихини  
ўрганишда муҳим манба... .

0105=

012472/  
11  
17

1-чан

44- буюртмас 2007 нуска. Ҳајони 7,5 б.т.  
2002 йыл 1 марта босинчи руҳсат этилады.  
Низомий ишмидес ТДПУ "ризограф" или  
бозор этилады.